

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

Имамов Рустам Нарзуллаевич

Мамлакатни модернизациялаш жараёнида минтақаларда хизмат кўрсатиш
соҳасини ташкил этиш ва бошқариш
(Наманган вилояти мисолида)

Мутахассислиги: 5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д, проф.Р.Шодиев

Наманган-2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3	
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ		
I.1. Хизматлар кўрсатиш соҳаси: ижтимоий-иқтисодий моҳияти..	9	
I.2. Иқтисодиёти тараққий этган мамакатларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси.....	21	
I.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари.....	33	
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ		
II.1. Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши таҳлили ва бошқариш масалалари.....	47	
II.2. Хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда ўзаро алоқадорлиги...	63	
II.3. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда инвестиция жараёнлари.....	72	
III НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БОБ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ		82
III.1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари.....	82	
III.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш дастури ва унинг таҳлили.....	89	
III.3. Наманган вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболи.....	98	
ХУЛОСА	105	
Фойдаланилган адабиётлар	109	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш, иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, рақобатбардош хўжалик алоқаларини қарор топтириш шароитида аҳоли фаровонлиги ошириш, турмуш шароитини юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал сектори тармоқлари фаолиятини барқарор ва самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳаларининг шаклланганлиги, такомиллашганлиги билан узвий боғлиқ саналанади. Ижтимоий ҳаёт ва моддий ишлаб чиқаришнинг хизматлар соҳаси билан таъминланиш даражасини ифода этувчи кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса, меҳнат ресурслари ижтимоий бандлиги таркибини сифат даражасининг ошишига, пировардда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига, ижтимоий муносабатлар барқарорлигига, реал секторда эса яратилаётган маҳсулот сифати ва маҳсулот рақобатбардошлиги нархсиз омилларининг юқори бўлишига олиб келади.

Хизматлар соҳасининг иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор ривожлантиришдаги ўрнини Ўзбекистон Президенти ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарига атрофлича кўрсатиб беради:

“Навбатдаги энг устувор вазифа – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. Ҳоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу устувор вазифага алоҳида эътибор қаратиш зарур”¹. Президентимиз ушбу китобда инфратузилма соҳалари ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини

- янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратишдаги;

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-бет.

- ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омили сифатидаги;
- аҳолининг турмуш даражасини оширишдаги;
- индивидуал ва кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа сифатида янги иш ўринларини ташкил этишдаги жиҳатлари билан асослайди¹.

Ўтган йиллар давомида миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари изчил ривожланиб, бугунги кунда унинг ЯИМдаги улуши 49 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилда 34,6 фоизни, 2000 йилда 37,2 фоизни, 2005 йилда 38,4 фоизни ташкил қилган эди.

Бугун иқтисодий амалиётда хизматларнинг мутлақо янги турлари вужудга келмоқда, анъанавий хизмат турлари эса сифат жиҳатдан такомиллашиб, индивидуаллашув характериға эға бўлиб бормоқда.

Лекин шу билан бирға, жадвал иқтисодий ўсиш жараёни ва мамлакатни модернизациялаш шароитида хизматлар секторининг минтақалардаги ривожланиш ҳолатида, хусусан, уларни ташкил этиш ва бошқариш муносабатларида ўзига хос муаммолар ҳам мавжудки, бу ўз навбатида мазкур секторда кечаётган ислоҳотлар, улар неғизида амалға оширилаётган тадбирлар, давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича тармоқ ва минтақавий сиёсати самарадорлигини ўрганишни зарурият сифатида гавдалантиради.

Айниқса бу масала алоҳида минтақалар даражасида янада муҳим амалий аҳамиятға эға Чунончи, аҳолиси, минтақавий демографик жараёнлар, хўжалик тузилмаси ва ундаги ислоҳотлар, ривожланиш суръати, салоҳияти билан ажралиб турувчи Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш муносабатларини тадқиқ этиш, бугунги кунда вилоятда мавжуд бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида ўзига хос ўрин тутуди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49-бет.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар соҳаси ва ундаги иқтисодий муносабатлар хорижлик олимлар Р.Бреер, Ф.Булдерстон, Б.Бошворч, Д.Уотерс, А.Вольф, С.Дункан, Д.Пилат, Дж.Фредерик, П.Черингтон, тадқиқотларида кенг ўрин олган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тизимининг алоҳида соҳалари ҳамда миллий, тармоқ ва минтақавий тузилмаларда ривожланиши масалалари МДХ олимларидан Е.А.Громов, Л.Демидова, Е.Н.Жильцов, Л.М.Кликич, В.Б.Кондратьев, В.А.МЕШКОВ, В.Е.Николайчук, К.Рудий, Т.Н.Скоробогатова, Ю.В.Свириденко ва А.И.Панов асарларида тадқиқ этилган.

Сервис соҳаларининг ташкилий, бошқарув, иқтисодий жиҳатлари, тармоқ хусусиятлари ўзбекистонлик олимлар Т.И.Мардонкулов, Х.М.Маматкулов, Ч.Муродов, Б.Т.Салимов, Ш.Тўйчиев, А.Н.Хамдамов, Х.Хусанов, Э.С.Файзиев, Қ.А.Чориев, Н.Ўроқов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ўрин олган.

Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларини минтақаларда ташкил этиш ва бошқариш, ривожлантириш масаласи мустақил тадқиқот сифатида ўрганилган эмас. Юқоридагиларни инобатга олиб, Бозор иқтисодиёти шароитида минтақаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари ушбу тадқиқот иши мавзуси сифатида танланди.

Тадқиқот мақсади. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида Ўзбекистон минтақаларида хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш амалиётини, эришилган ижобий жиҳатлар, мавжуд муаммоларни мажмуавий тадқиқ этиш, ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини талаб этади:

- инфратузилмалар ва уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида тутган ўрнини ўрганиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиёт тармоқ ва минтақавий таркибидаги тутган ўрнини баҳолаш;
- иқтисодиёти тараққий топган давлатларнинг сервис секторини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида тажрибаларини ўрганиш, уларни миллий иқтисодиётга жорий этиш имкониятларини баҳолаш;
- мустақиллик йилларида инфратузилмаларни ривожлантириш борсидаги давлат иқтисодий сиёсатини тадқиқ қилиш, бу борада эришилган натижаларни баҳолаш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда улар ўзаро алоқадорлигини баҳолаш;
- тармоқда инвестиция жараёнларини ўрганиш;
- мамлакатни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммоларини тадқиқ этиш;
- минтақаларда хизматлар соҳасини ташкил этиш ва ривожлантиришга дастурий ёндошув тизимини тадқиқ этиш ва баҳолаш;
- Наманган вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти. Мазкур магистрлик диссертацияси учун тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти хизмат кўрсатиш соҳалари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Модернизациялаш шароитида минтақа иқтисодиётида шаклланган иқтисодий муносабатлар, шу жумладан, минтақа хўжалиги тармоқ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг бошқа секторлар билан алоқадорлиги ҳамда минтақада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш масалалар мажмуи тадқиқот предмети сифатида белгиланди.

Тадқиқот методлари. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида иқтисодий таҳлил ва синтез, диалектик, илмий абстракция, киёслаш, статистик, монографик, баҳолаш усуллардан кенг фойдаланилди.

Ишнинг методологик асосини Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш тамойиллари, давлат сиёсатининг устивор йўналишлари ҳамда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг инфратузилмалар ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларида илгари сурган ғоялари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамиятини ишда амалга оширилган таҳлиллар натижасида аниқланган Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда истиқболда ривожлантириш юзасидан илгари сурилган таклифлар ташкил этади. Билдирилган таклиф ва тавсиялардан илмий тадқиқот ишларида, ўқув жараёнида ҳамда минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби. “Мамлакатимизни модернизациялаш жараёнида минтақаларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш ва бошқариш (Наманган вилояти мисолида)” мавзусидаги мазкур магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Ишнинг **“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида Хизматлар кўрсатиш соҳаси: ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси ҳамда

уларни амалда қўллаш имкониятлари, шунингдек, иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари тадқиқ этилган.

“Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари” деб номланган иккинчи бобда Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши таҳлили ва бошқариш масалалари, тажрибалар, хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда инвестиция жараёнлари ўрганилиб, бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг учинчи **“Наманган вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш муаммолари ва истиқболлари”** номли бобида мамлакатни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари, улар ечими бўйича таклифлар, иқтисодийни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш дастури ва унинг таҳлили, дастурда эришилган ижобий жиҳатлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда Наманган вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболлари ўрганилган, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

I.1. Хизматлар кўрсатиш соҳаси: ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Ҳозирги замон иқтисодиёт фанлари тизимида инфратузилмалар масаласи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, “инфратузилма” тушунчаси ғарб иқтисодий адабиётларида ўтган асрнинг 40-йиллари охирида юзага келди. Унинг иқтисодиётнинг мустақил тизими сифатидаги ўрнини ўрганишга зарурият, бир томондан, инфратузилмаларнинг замонавий меҳнат тақсимооти чуқурлашуви пировард натижаси сифатида шаклланганлиги, иккинчи томондан, бутун бир иқтисодиёт сингари инфратузилмалар ҳам фақат бозор механизмлари таъсир кучи билан ривожлана олмай, балки унга давлатнинг алоҳида эътибори талаб қилиниши билан шаклланди.

Инфратузилмалар тизимида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатлари моҳияти мазкур тушунчага турлича таърифларни юзага келтирди. Яъни, маълумки, инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатишда моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ишлаб чиқариш билан истеъмол муносабатларининг бир пайтда амалга ошади. Шунингдек, тизимда яратилаётган қиймат тўғридан-тўғри товар маҳсулот ёки фойда кўринишида шаклланмасдан, билвосита, айтилиши моддий ишлаб чиқариш пировард маҳсулоти таркибида шаклланади. Инфратузилмаларнинг ижтимоий, маиший, бозор шаклларида эса бу жараён янада мураккаб “масофа”ни босиб ўтиб, уларнинг баъзиларида (ижтимоий ва маиший инфратузилмаларда) яратилаётган қиймат ишчи кучи такрор ишлаб чиқариши орқали, баъзиларида (бозор ва маиший инфратузилмаларда) эса ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор механизмлари тизимида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам инфратузилма тушунчасига таъриф берилганда айрим тадқиқотчилар уни товарлар шакли ва ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор бўлмаган, шунингдек, ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойда (ёки даромад) келтирмайдиган “жамият сарф харажатлари” сифатида баҳоласалар, айрим тадқиқотчилар ишлаб чиқариш амалга оширилишини ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий характердаги шартлар (йўллар ва коммуникациялар тармоғи, транспорт воситалари ва қатнови, ер қурилиши ва бошқ.) мажмуаси, дея эътироф этадилар. Бу гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, инфратузилмалар тизимининг самарали ташкил этилиши бозор хўжалиги шароитидаги корхоналар харажатларини қисқартириш, капитал ҳаракати жараёнини енгиллаштириш, жамият миқёсидаги талаб ва бандлик даражасини ошириш, шунингдек, фойда нормасини кўпайтириш имконини беради.

Замонавий хорижий, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодий адабиётларида инфратузилмаларни тавсифлашда кўп ярусли ёндошув мавжуд. Жумладан, макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат томонидан ташкилланадиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Бурларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тожалаш иншоотлари, муниципал сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради.

Корхоналар ёки микродаражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айти пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти, электро-энергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк

катнови, илмий-тадқиқот ва лойиха-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқалар киритилади¹.

Худди ғарб иқтисодий тадқиқотчилик тизимида бўлгани каби, яқин хориж, жумладан, россиялик бир қатор олимлар илмий ишларида ҳам, қолаверса, миллий тадқиқотчиликда ҳам инфратузилмаларга ягона, умумий фикрдаги қараш мавжуд эмас. Жумладан, айрим россиялик олимларнинг фикрича, инфратузилмалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ёрдамчи, кўмаклашувчи тармоқлардир².

Рус олими И.Ф.Чернявский эса инфратузилмаларга тавсиф беришда бир мунча мураккаб позицияни қўллайди ва мазкур соҳа “имиджи”га юқори баҳо беради. Унинг фикрича, “Инфратузилмалар бу йўллар, каналлар, сув иншоатлари, портлар, кўприклар, аэропорт ва вокзаллар, омбор ва электр таъминоти хўжаликлари, алоқа, сув таъминоти ва канализация, таълим, фан хўжалиги, соғлиқни сақлаш кабиларни барпо этиш, ташкиллаш, фаолиятини йўлга қўйиш орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги мустақил тармоқлари мажмуасидир”³

Бу каби таърифлар инфратузилмаларнинг унга берилган барча тавсифлар учун умумий бўлган моҳиятан асосий бош объектга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи фаолият тури сифатидаги ролига асосланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инфратузилмаларга берилаётган тавсифларнинг хилма-хиллик кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган объект ёки фаолият соҳасининг етакчилигини таъминлашга бўлган бўлган мойиллик таъсирига учрайди. Яъни, айрим тадқиқот ишларида моддий ишлаб чиқариш секторини ўрганилиш жараёнида уларда кечадиган муносабатлардаги инфратузилмаларнинг ўрни тадқиқ этилади ва бунда табиийки, инфратузилмалар тармоқости (ёки кўмакчи соҳа) соҳа сифатида баҳоланади.

1 Макконелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. - 400с.

2 Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001 г. -235 с.

3 Чернявский И.Ф. Инфраструктура сельскохозяйственного производства: (Вопросы, теории и практики). – М., Экономика, 1979. – 232 с.

Айрим тадқиқотчилар эса гарчи инфратузилмаларнинг ўзини ёки унинг муайян бир йўналишини ўргансаларда, кўп ҳолларда уни ё қандайдир ҳудуд, минтақа даражасига, ё иқтисодий давр ичига ёки муносабатлар тизими даражасига боғлайдилар. Бу эса яна юқорида таъкидланган ҳолатни, инфратузилмаларнинг давлат иқтисодий сиёсати эътибори қаратилган ёки иқтисодий муносабатлар амал қиладиган объект ёхуд шундай элементлардан бири сифатида баҳоланишига сабаб бўлади.

Инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш кўринишида намоён бўлади. Шунга кўра, юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳисобланиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш тушунчасидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатишда сарфланаётган меҳнат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида тўғридан-тўғри сотилади. Бу ўз навбатида тизимда иқтисодий фаолиятни ташкил этишни бир мунча соддалаштиради ҳамда арзонлаштиради. Тизимда катта қийматдаги асосий ва айланма маблағларга эҳтиёж сезилмайди.

Хизмат кўрсатиш тушунчасини иқтисодий нуқтаи-назардан ифодалашда, ушбу фаолиятнинг натижасини товар сифатида тасаввур қиламиз. Хизмат кўрсатиш фаолияти натижасида истеъмолчиларнинг шахсий ва умумий эҳтиёжлари қондирилади. Аввало бу ерда эҳтиёжни қондириш деганда истеъмолчининг жисмоний, иқтисодий, маънавий ҳолатини ўзгартириш тушунилади, яъни, хизмат кўрсатиш фаолияти давомида ёки унинг натижасида ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг жисмоний ва маънавий ҳолатини, кайфиятини ўзгартиради.

Шу билан бирга спорт билан шуғулланиш ҳамда физиологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият хизмат кўрсатишга кирмайди. Чунки, бу иккала ҳолда асосий меҳнат истеъмолчининг ўзидан талаб қилинади. Бу иккала ҳол учун истеъмолчи ҳеч қандай қиймат сотиб олмайди,

балки, ўз меҳнاتини ўзи учун, ўзининг жисмоний баркамоллигини, нормал физиологик ҳолатини таъминлаш учун сарфлайди.

Хизмат кўрсатиш тизими халқаро амалиётда қуйидагича таснифланади:

1. Коммунал хизматлар ва қурилиш;
2. Улгуржи ва чакана савдо, овқатланиш, ресторан ва меҳмонхона, туризм;
3. Ташиш, сақлаш, алоқа, молиявий воситачилик;
4. Мудофаа ҳамда мажбурий ижтимоий хизматлар;
5. Таълим, фан, соғлиқни сақлаш, жамоат ишлари ва бошқ.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд. Масалан, транспорт, алоқа ёки санъат, хусусан, кино, тасвирий санъат, китоб. Булардан транспорт ҳақида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда транспортсиз ишлаб чиқаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ёки, кино ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, кино кишиларга маънавий озуқа беради, уларнинг эстетик ҳис-туйғуларини бойитади ёки жонлантиради. Мана шу иккита хизмат турини ўзаро таққослайдиган бўлсак, транспорт хизмати натижасини ҳеч қачон моддий ҳолда кўриб бўлмайди. Унинг иқтисодий натижаси асосан ташилган юк ҳажми, йўловчи сони ва масофа орқали белгиланади ва шу кўрсаткичларга тўғри пропорционал. Кинода эса бутунлай бошқача, бу ерда қийматнинг асосий омили унга кетган харажатлардан ташқари, кишиларга қанчалик маънавий озуқа бера олишидадир. Тўғри, фильмни суратга олиш учун сарфланган харажатлар унинг қийматига тўғри пропорционал алоқадорликда бўлади. Лекин, фильмнинг қийматини асосан, ундаги мазмун, бадиийлик ёки бошқа ҳис-туйғуларни уйғунлаштирадиган жиҳатларнинг даражаси белгилайди.

Шунга кўра инфратузилмалар тизимларининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **кўрсатилган хизмат турларининг ҳақиқий қийматини, баҳосини аниқлашнинг мураккаблиги.** Бу айниқса, транспорт, омбор, реализация,

юклаш-тушириш, ўраш ва бошқа ишлаб чиқаришга ёрдамчи тизимларда яққол кўринади. Уларда кўрсатилган меҳнат қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пировард қиймати ёки баҳосида шаклланган бўлади.

- **кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик алмашинуви жараёнининг мураккаблиги**. Маълумки, ҳар қандай пулга айрибошланадиган товар ўз мулкӣ эгалигини ҳам алмаштира олади. Ёки бошқача қилиб айтганда, товар сотилиши жараёнида унинг эга ҳам алмашинади. Лекин, хизмат кўрсатиш фаолиятида бу жараённи кузатиш, ажратиш анча қийин кечади. Чунки, кўрсатилган хизмат моддий иқтисодий объект сифатида шаклланмайди. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, кўп ҳолларда сарфланаётган меҳнат шу жараённинг ўзида тўғридан-тўғри истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик асосий ишлаб чиқариш натижасида шаклланган маҳсулотга эгалик ҳуқуқи остида бир субъектдан иккинчи субъектга ўтади.

- **хизмат кўрсатишда стандартлаш жараёнларини қўллаб бўлмаслиги**. Хизмат кўрсатишнинг номоддий характерда эканлиги сабаб, ушбу фаолиятни стандартлаш, метрологик жараёнларни қўллаб бўлмайди. Албатта, меҳнатни нормалаштириш мумкин. Лекин, бу асосан меҳнат ва унга ҳақ тўлаш мақсадида амалга оширилади ва меҳнат унумдорлигини назарда тутлади.

Хизмат кўрсатиш тизимида таълим соҳасида давлат таълим стандартлари қўлланилади. Бу стандартлаш бевосита таълим бериш, ўқитиш жараёнини эмас, балки, пировардда тайёрланган кадрларнинг билим ва малака даражасини кўзда тутлади.

- **сифатнинг доимий ўзгарувчанлиги**. Маълумки, хизмат кўрсатиш фаолияти характерида кўп ҳолларда индивидуалликка мойиллик мавжуд. Бу эса бир жиҳатдан хизмат кўрсатиш сифатининг доимий ўзгарувчанликка асосланишига олиб келса, иккинчидан, хизмат кўрсатишда саноат каби

автоматизация жараёнларини қўллашга имкон бермайди. Буни оддий маиший хизматдан то транспортгача кузатиш мумкин.

- **кўрсатилаётган хизматларни сақлашнинг имкони йўқлиги.** Бу жиҳат тўғри маънода яққол тушунарли, яъни, кўрсатилган хизматни фақат у кўрсатилаётган пайтдагина ҳисобга олиш мумкин. Қолаверса, масаланинг иккинчи жиҳати, яъни товар захирасининг мавжудлиги (албатта, чегараланган даражада) истеъмол бозорида фаолият кўрсатаётган корхона учун катта аҳамиятга эга. Лекин хизмат кўрсатиш бозорида меҳмонхонада битта номернинг бўш қолиши, битта ортикча, захира сартарошни ушлаб туриш, захира транспорт воситаси сақлашни ижобий характерга эга деб бўлмайди.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, хизмат турлари куйидагича таснифланади:

I. Товарнинг моддийлик нуқтаи-назаридан:

1. Моддий (товар орқали муносабат) характердаги хизматлар:

а) Товарларга нисбатан ижара муносабатига киришиш, яъни, бунда товар истеъмолчиники бўлмайди, балки, маълум ҳақ эвазига ундан фойдаланиб, ўз эҳтиёжини қондиради: меҳмонхона номерини ижарага олиш, автомобилни ижарага олиш, видеомагнитофонни ижарага олиш;

б) товардан фойдаланувчи ва унинг эгаси истеъмолчи бўлгани ҳолда, ушбу товар орқали хизмат кўрсатиш: автомобиль, маиший асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва ҳақозо.

2. Номоддий (товар бўлмаган) характердаги хизматлар:

Ҳеч қандай товарга алоқаси бўлмаган хизмат турларини кўрсатиш: репетиторлик, юридик маслаҳат, таржимонлик ва бошқ.

II. Сарфланган харажатларни қоплаш

манбаалари бўйича хизматлар:

1. Тижорат хизматлари:

Бунда кўрсатилган хизматлар учун сарфланган харажатлар шу хизмат учун тўланган ҳақ эвазига қопланади. Буларга мисол сифатида даллоллик, баққоллик, банк хизматлари ва бошқалар киради.

2. Нотижорат хизматлар:

Бунда давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўзда тутилиб, улар учун сарфланган харажатлар асосан давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

III. Истеъмолчилар хусусиятига кўра хизматлар:

1. Аҳолига (жисмоний шахсларга, ўй хўжаликларига)

кўрсатиладиган хизматлар.

Бунга аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг барча тоифалари киритилади.

2. Юридик шахсларга (давлат, корхона, ташкилот ва муассасаларга) кўрсатиладиган хизматлар.


Бунга халқаро юк ташиш, лизинг, инжиниринг, консалтинг, суғурта хизматлари, маркетинг тадқиқотлари, савдо-воситачилик хизматлари киритилиши мумкин.

Жамият иқтисодий тизимининг эволюцион тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг моддий ва номоддий гуруҳлари ўртасидаги нисбатни мунтазам ўзгартириб, чуқурлаштириб келган. Агар, ўтган асрнинг ўрталарида ҳам моддий ишлаб чиқариш мамлакатларда яратилаётган ялпи ички миллий маҳсулот таркибида катта улушни ташкил қилган ва мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосини белгилаган бўлса, бугунги кунга келиб, хизмат кўрсатиш соҳалари ёки номоддий ишлаб чиқариш тизимлари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи соҳаларига айланган. Хусусан, бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган қиймат улар ЯИМ таркибининг 2/3 қисмини ташкил қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётдаги самарали таркибий сиёсат ва изчил иқтисодий ислохотлар пировардида хизмат кўрсатиш соҳаларининг макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимидаги улуши сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1995 йилда мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 34,6 фоизни, 1998 йилда 36,4 фоизни, 2000 йилда 37,2 фоизни, 2003 йилда 38,3 ва 2006 йилда 39,5 фоизни, 2007 йилда 42,5 фоизни, 2008 йилда 45,3 фоизни, 2009 йилда 47,2 фоизни, 2010 йилда 49 фоизни ташкил этиб, ўтган ўн беш йил ичида мазкур тармоқларнинг республика ялпи маҳсулотигаги улуши барқарор ўсиш динамикасига эга бўлди. Мазкур йиллар ичида хизмат кўрсатиш соҳаларининг мамлакатда яратилган ЯИМ ҳажмидаги улуши қарийб 142 фоизга ошган (1-расм).

1-расм

1995-2010 йилларда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига хизмат кўрсатиш соҳалари улуши динамикаси, фоизларда



Бу борада эътиборли жиҳат шундан иборатки, иқтисодиёт реал сектор тармоқларининг ЯИМдаги улушида тебраниш “частота”си хизмат кўрсатиш соҳаларига нисбатан каттадир. Хусусан, 1995-2010 йилларда саноат ишлаб чиқаришида яратилган ЯИМ ҳажми 1995-1996 йилларда 4,0 фоизга ўсган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилдан то 2002 йилгача муттассил пасайиб борган

ва унинг йиллик пасайиш суръати ўртача 3-4 фоизни ташкил этган. 2002 йилдан 2006 йилга қарадар яна ўсиш фазасига кириб, 2002 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 14,% фоизга, 2006 йилда эса 22,1 фоизга, 2007 йилда 24 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2010 йилда ҳам 24 фоизлик улуш билан ўзгаришсиз қолди (2-расм). Айти пайтда мамлакатимиз Президентининг шу йил 21 январдаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастурда “Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади”¹.

Қишлоқ хўжалигида эса бунинг акс ҳолати кузатилади. Чунончи, 1995 йилда мазкур тармоқда яратилган ЯИМ ҳажми 28,1 фоизни ташкил қилиб, 2002 йилгача 30,1 фоизгача ошиб борган. 2003 йилдан бошлаб эса пасайиш фазасига кириб, 2006 йилда 24,1 фоизли улушни эгаллаган. 2007 йилда тармоқнинг ЯИМдаги улуши 21,7 фоизни, 2010 йилда эса 17,5 фоизни ташкил этади. Аслида шу ўринда таъкидлаш керакки, иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг камайиши уларда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини эмас, балки, ривожланиш суръатини ҳамда айрим тармоқларнинг янада тез суръатларда ўсиб бораётганлигини

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

2-расм

ифодалайди. Чунки, мамлакат раҳбарининг юқорида кўрсатиб ўтилган маърузасида таъкидланганидек, “Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган қолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 қаррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради”¹.

Умуман олганда иқтисодиёт етакчи тармоқларининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариш “частота”си хизмат кўрсатиш соҳаларида бошқа тармоқларга нисбатан сезиларли даражада паст тебранишни ташкил этган.

Ушбу таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, инфратузилмаларнинг иқтисодиёт тармоқлари орасидаги мавқеи мамлакатда ўтиш даври шароитида юз берган маълум даражадаги иқтисодий бухрон вазиятида ҳам барқарорлик характер касб этди ва айни пайтда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида юз берган иқтисодий пасайиш даврида мамлакатда меҳнат ресурсларининг муқобил бандлигига эришишда ҳамда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни маълум даражада барқарор ушлаб туришда салмоқли ўрин эгаллади.

Шундай бўлсада, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишида моддий ишлаб чиқариш муҳим роль ўйнайди. Айниқса бу борада саноат ишлаб чиқаришининг аҳамияти ғоят катта. Айнан саноатнинг ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳаларида узлуксизлик, мунтазамлик характерини касб этган. Шунинг учун инфратузилмалар тизимини барқарор

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бу – хизматлар сектори билан саноат ишлаб чиқаришини ўзаро узвийликда, чуқур “интеграцион плацдарм”да ташкил этиш ва ривожлантиришдан иборат. Буни кейинги йилларда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муҳим тадбирлар пировардида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, 2002-2006 йилларда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулот ҳиссасидаги улушининг сезиларли даражада ортиб бориши ўз навбатида инфратузилмалар соҳаларининг улуши кўрсаткичининг мос равишда юқори суръатда ўсишига сабаб бўлди (қаранг 2-расм).

I.2. Иқтисодиёти тараққий этган мамакатларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси

Кишилиқ жамиятининг кўп минг йиллик эволюцион тараққиётида дунё халқлари ва мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги, интеграциялашуви мунтазам чуқурлашиб, кенгайиб келганлиги сир эмас. Қадим тарихдан давом этиб келган халқларнинг буюк кўчишлари, йирик империяларнинг барпо этилиши ва парчаланиши, динларнинг дунё халқлари ҳаётида чуқур илдиз отиши, буюк географик кашфиётлар, саноат инқилоби, фан-техника тараққиёти, жаҳон урушлари, глобал табиий офатлар, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, халқаро хавфсизлик, халқаро ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фаоллашуви дунёда яхлит ижтимоий маконнинг шаклланиши сари ташланган тадрижий қадамдир.

Бу узлуксиз ва ниҳоясиз жараёнда тажриба тушунчаси алоҳида ўрин эгаллаб, унга одатда икки хил талқинда ёндошилади. Биринчиси, миллий тарихий талқин бўлиб, ҳар бир халқ, миллат ва давлат замонавий ижтимоий муносабатларини ўз тарихий тажрибасига асосланган ҳолда ҳамда амалда юзага келган шарт-шароитни ҳисобга олиб шакллантиради ва ривожланиш йўлини белгилайди.

Ўрганилаётган тушунчанинг иккинчи талқини жамиятдаги ҳар бир ижтимоий бирлик, тузилма ўз фаолиятини, муносабатларини турдош бирликлар босиб ўтган кечинмалар, тажрибадан фойдаланган ҳолда йўлга қўйиши, ташкил этиши билан изоҳланади. Лекин ҳар иккала талқинда ҳам конкрет шаклланган хусусий шарт-шароитлар инобатга олиниши бирламчи характерга эга.

Буни Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1993 йилда чоп этилган “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли тарихий асарида билдирилган қуйидаги мулоҳазалар билан асослаш мумкин: “Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитлардагина ижобий самара бериши мумкин”¹.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга асосланиб, мазкур тадқиқот ишида гарчи қадимги фаолият турларига асослансада, иқтисодиётнинг мустақил сектори сифатида яқин тарихда шаклланган хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққий этган мамлакатлар амалиётида ривожланиши билан боғлиқ тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро статистика амалиётида миллий иқтисодиёт учта йирик секторга ажратилиб ўрганилади. Булар – бирламчи (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, кон-қазлов ёки тоғ-кон саноати), иккиламчи (қайта ишлаш тармоқлари) ва учламчи (хизматлар ёки сервис соҳалари) секторлардир. Замонавий жаҳон иқтисодиётида деярли барча мамлакатлар учун айнан учинчи – сервис соҳалари секторининг жадал ривожланиш суръатлари


¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1993 йил, август. //Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1998. -87-88-бетлар.

хусусиятли ҳолдир. Ҳатто 20-асрнинг 80-90 йилларига келиб мазкур секторнинг ривожланган мамлакатлар ЯИМ ҳажмидаги улуши ўртача 63 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда эса 49 фоизни ташкил этганлигининг ўзиёқ аллақачоноқ хизматлар соҳаларини ривожлантириш давлатлар иқтисодий сиёсатида марказий ўринни эгаллаганлигини кўрсатади.

Сервис соҳаларида яратилган қийматнинг ЯИМда 50 фоизлик улушни эгаллаш АҚШда 1955 йилдан, Буюк Британияда 1960 йил, Францияда 1970, Японияда 1975 йил, ГФР ва Италияда 1980 йилдан, Россияда эса 1995 йилдан кузатилади¹.

3-расм

Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар ЯИМ ва ялпи бандлигида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши, фоизларда²



¹ Жильцов Е.Н., Казаков В.Н., Восколович Н.А. Экономика сферы платных услуг. // Под редакцией д.э.н., проф. Жильцов Е.Н. – Казань, 1996 г.

² Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет // Под ред. И.С. Королева. – М.: изд-во “Юристъ”, 2003. стр-157.

2000 йиллар бошларига келиб ривожланган мамлакатлар ЯИМ ва умумий бандлик таркибида сервис соҳалари секторининг улуши ушбу мамлакатлар иқтисодиёти структураси яққол белгилаб беради. Жумладан, мазкур секторнинг ЯИМдаги улуши АҚШда 69,3 фоизни, Буюк Британияда 70,3 %, Германияда 59,1 %, Францияда 64,7%, Италияда 67,7 %, Японияда 68,8 %, Канадада 64,4 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бандлик таркибида мос равишда АҚШда 74,4 %, Буюк Британияда 71,7 %, Германияда 66,2 %, Францияда 74,5 %, Италияда 70,0 %, Японияда 59,0 % ва Канадада 71 фоизга тенг бўлган (3-расм).

Умуман олганда, хизматлар соҳаси мазкур мамлакатларда 19-аср иккинчи яримидан етакчи мавқени эгаллаб келган. Бу аҳоли бандлиги тизимида яққол кўзга ташланади. Чунончи, “постиндустриал жамият” назарияси асосчиси, таниқли америкалик социолог Дэниел Белл маълумотларига кўра, 1870 йилгача бўлган даврда Англияда аҳолининг мутлоқ катта қисми айнан уй хизматчилари касбий гуруҳига мансуб бўлган. Лекин бу даврда хизматлар соҳаси миллий даромадни яратувчи секторлар таркибига киритилган эмас. Бу амалиёт ғарб иқтисодиётида 20-аср ўрталарига келибгина йўлга қўйилган.

Ривожланган ғарб иқтисодиётида сервис соҳалари ривожланиши айнан саноатлашув муносабатлари кенг ривож топган даврда (бу давр кўплаб адабиётларда индустриал жамият деб номланади) тез суръатларда кузатила бошланди. Д.Белл таснифи бўйича АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида сервис соҳаларининг ривожланиши 3 та босқичга ажратилади. Чунончи, **биринчи босқич** – саноатнинг ривожланиши товарлар ҳаракатини таъминлаш шарти сифатида транспорт ва ва бошқа бир қатор хизматларнинг кенг равнақ топиши билан изоҳланади. **Иккинчи босқич** эса улгуржи ва чакана савдони ўз таркибига олувчи тақсимот тизимини ҳамда молия, суғурта ва кўчмас мулк операциялари билан боғлиқ соҳаларни қамраб олиб,

айнан шу даврда бугунги бозор инфратузилмалари ўзининг замонавий қиёфасини эгаллаган.

Учинчи босқич юқоридаги иккита босқичдан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқарувчилар манфаатларидан истеъмолчилар манфаатларини кўпроқ кўзлайди ва бу давр учун аҳолига хизматлар кўрсатиш тизимининг жадал ривожланиши хусусиятли ҳолдир. Миллий даромаднинг ўсиб бориши билан истеъмол товарлари хариди сезиларли даражада пасайиб, унинг ўрнига аввалига узок муддатли фойдаланиладиган товарлар, маиший хизматлар, кейинчалик, саёҳат, кўнгил очар хизматлар, ижтимоий хизматлар истеъмоли кенгайган. Умуман олганда, айнан ғарб мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларининг ўсиб бориши замонавий хизмат кўрсатиш сектори учун хос бўлган асосий тамойил – хизматларнинг индивидуаллашуви жараёни кузатилади¹.

Россиялик олимлар Е.Н.Жильцов, В.Н.Казаков ва Н.А.Восколовичларнинг ҳаммуаллифликдаги “Пуллик хизмат соҳалари иқтисодиёти” номли китобида Ғарбий Европа мамлакатларида сервис соҳалари ривожланиш суръатларининг тезлашувида қуйидаги омиллар таъсири очиб кўрсатилади²:

Биринчидан, илмий-техник тараққиёт натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг пировардида кишилар турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланиши. Бу тамойилни муаллифлар аҳоли даромадларининг ўсиши ва истеъмол таркибидаги ўзгаришларнинг ўзаро алоқадорлигини тавсифловчи Энгелнинг 1- ва 2-қонунларига кўра асослайдилар. Чунончи, бозор иқтисодиёти тараққий топган мамлакатларда оила бюджети харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари атиги 18-20 фоизни, хизматлар учун сарфлар улуши эса 35-40 фоизни ташкил этади.

¹ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. – М.: изд-во. “Академия”, 1999. Стр-171.

² Жильцов Е.Н., Казаков В.Н., Восколович Н.А. Экономика сферы платных услуг. // Под редакцией д.э.н., проф. Жильцов Е.Н. – Казань, 1996 г.

Қашшоқ мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари хариди харажатлари улуши оилалар бюджетининг яримидан ортиғига тенг.

Иккинчидан, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, илмий-техник тараққиёт туфайли жамият аъзоларининг вақт тақсимоти, жумладан, иш ва меҳнат вақти нисбати, шунга кўра, меҳнат ва ҳордиқ фаолиятига муносабатларининг мунтазам ўзгариб бориши. Ривожланган мамлакатларнинг бугунги иқтисодий тараққиётида ишловчилар бўш вақтининг кўпайиши уларнинг турли хилдаги хизматларга бўлган талабининг ошиш қонунияти кузатилади. Бу албатта, фақат бўш вақтнинг ўзи билан изоҳланмайди, чунки, айнан ихтиёрдаги даромаднинг мунтазам кўпайиб бориши иш вақтини қисқартириш имконини беради. Шунга кўра даромад ва бўш вақтнинг кўпайиши кишиларда ҳордиқ чиқаришга қаратилган турлича хизмат турларини танлаш имконияти даражасини оширади. Шунинг учун бугунги кунда Ғарб амалиётида нафақат хизматларнинг янги турлари, балки, уларга талабнинг ноанъанавий ёндошуви – индивидуаллашган хизматлар ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

Учинчидан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тезлашуви ва аҳоли турмуш сифатининг ўсиб бориши ривожланган мамлакатлар олдида бошқа бир муаммо – атроф-муҳит муҳофазаси масаласини кун тартибига қўйган. Бу масаланинг муқаддимаси ўтган асрнинг 50-70-йилларида кенг муомалада бўлган “яшил инқилоб” даври билан боғлиқ, дейиш мумкин. Сервис соҳалар ривожланишидаги ушбу омилнинг ролини юқори суръатлардаги урбанизациялашув ва агломерациялашув жараёнлари юз бераётган йирик шаҳарлардаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, сув таъминоти, канализация, чиқинди ва ахлат йиғиштириш, уларни чиқариб ташлаш каби анъанавий хизматларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши билан бир қаторда, янги турдаги хизматларнинг вужудга келиши билан ҳам изоҳланади. Чунончи, чиқиндиларни қайта ишлаш, атроф-муҳитни яхшилаш, ресурсларни

тежаш мақсадида моддий буюмларни ижарага бериш, буюртмалар асосидаги савдо хизматлари шулар жумласидандир.

Тўртинчидан, замонавий жамиятда ижтимоий-демографик жараёнларнинг мураккаблашуви, шу жумладан, турмуш даражасининг ўсиши, тиббий, ижтимоий ҳимояга қаратилган хизматлар сифатининг такомиллашуви умр кўриш даражасининг мутассил ошишига олиб келмоқдаки, бу ўз навбатида бир томондан жамият “қариши”ни юзага келтирса¹, иккинчи томондан тиббий, ижтимоий таъминот хизматларига бўлган талабнинг ҳар томонлама ошишига ўсишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, навқирон ёшдаги кишиларга нисбатан пенсия ёшидагилар тиббий хизматлар учун 3-4,5 марта кўпроқ харажатлар сарфлайди.

Ижтимоий-демографик жараёнларнинг сервис сектори ривожланишига таъсирини кейинги 50-60 йил ичида аёллар ижтимоий фаоллигининг кескин ўсишида ҳам яққол кузатилади. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий фаоллашуви уй хизматларини (буюртмалар асосида овқат тайёрлаш ва етказиб бериш, кир ювиш, уй тозалаш, бола тарбияси ва бошқ.) бажаришга ихтисослашган маиший хизмат тузилмаларининг ривожланишига туртки бўлди.

Айни пайтда Ғарб индивидуализми учун хос оилавий муносабатларнинг мураккаблашуви – ажралишлар сонининг ортиши, никоҳсиз яшаш, оила қурмаслик ҳолатларининг кўпайиши уй-жой соҳасидаги кўшимча хизматларнинг юзага келишида ўзига хос туртки бўлган.

Бу ва бошқа шу каби омиллар ўтган аср ўрталарига келиб хизматлар секторининг жаҳон ва миллий меҳнат тақсимотидаги ўрнини тубдан

¹ Бир гуруҳ демографлар нуктаи назарига кўра, ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган мамлакатларда пенсия ёшининг узайтирилиши (масалан, 2010 йилда Францияда) замирида нафақат истикболда давлат бюджети камомадларини қисқартириш, балки, аҳоли умр кўриш даражасининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда, аҳоли сони ва меҳнат ресурслари ўртасидаги муганосибликни қайта тақсимлаш ҳамда ёши катта аҳолининг ижтимоий фаоллигига эришиш, шу орқали уларнинг жамиятда кечаётган ижтимоий жараёнлардан четда узилиб қолишига чек қўйиш ҳам кўзда тутилади.

ўзгартириб юборди. Бутунжаҳон савдо ташкилоти классификацияси бўйича бугунги кунда 160 дан ортиқ хизмат турларининг мавжудлиги ёки биргина АҚШнинг ўзида 1950-2000 йилларда аҳолининг хизматлар истеъмоли харажатлари 33 фоиздан 58 фоизга, жумладан, соғлиқни сақлаш учун 4,0 фоиздан 14,8 фоизга, таълим хизматлари улуши 0,9 фоиздан 2,4 фоизга, рекреацион хизматлар сарфи улуши 1,7 фоиздан 3,9 фоизга, молиявий хизматлар улуши эса 1,7 фоиздан 3,9 фоизга ўсганлиги юқоридаги мулоҳазани асослайди.

Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти томонидан 2003 йилда чоп этилган “Жаҳон иқтисодиёти: 100 йиллик глобал анъаналар” номли монографияда келтирилишича 1900-2000 йиллар давомида бир қатор мамлакатларда ишчи кучи тармоқ бандлигида ўсиш динамикаси айнан хизматлар соҳасига тўғри келади (1-жадвал)¹.

1-жадвал

1900-2000 йилларда хўжалик секторларида ишчи кучи бандлиги тақсимотининг ўзгариши, фоизда

Хўжалик секторлари	АҚШ			Буюк Британия			Нидерландия		
	1900	1960	2000	1900	1960	2000	1900	1960	2000
Қишлоқ хўжалиги	38,0	9,0	2,4	17,0	5,0	2,0	36,0	9,0	3,0
Саноат (капитал қурилиш билан)	33,0	31,0	20,0	29,0	28,0	26,0	32,0	41,0	22,0
Хизматлар соҳалари	29,0	60,0	77,0	54,0	67,0	72,0	32,0	50,0	75,0

Жумладан, дунё иқтисодиёти “локомотиви” ҳисобланган АҚШда 1929-2000 йилларда иқтисодиётда жами бандлар сони ўртача 2,9 мартага ошгани ҳолда, бу динамик хусусият хизмат кўрсатиш секторида 4,6 мартани ташкил қилади. Мазкур ҳолатни сервис сектори тармоқлари бўйича кузатадиган бўлсак, ўрганилаётган даврда транспортда бандлар сони 1,5 мартага, улгуржи

¹ Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет / Под ред. И.С.Королева. – М.: Юристъ, 2003. Стр. - 156.

савдода 4,1 мартага, чакана савдода 3,5; рекреацион хизматларда 5,5; молиявий хизматларда 5,0; иш юритиш ва касбий хизматларда 30,0; давлат секторида, шу жумладан тиббиёт ва таълимда 6,0 ҳамда маиший хизматда 1,9 мартага ортган¹.

Тармоқдаги бандлик таркибининг бу каби кескин ўзгариши шубҳасиз, ундаги ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмасдан қолмади. Масалан, 1990-1998 йиллар давомида АҚШда ЯИМ ҳажми динамикаси 118,4 фоизни ташкил этган бўлса, хизматлар секторида ишлаб чиқариш ҳажми 120,3 фоизга ўсган. Бу ҳолат Буюк Британияда ЯИМда 115,1 фоизни ва хизматлар секторида 125,2 фоизни, Канадада мос равишда 118,3 ва 119,6 фоизни, Германияда эса 110,4 ҳамда 116,9 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлилий мулоҳазани сервис соҳалари мисолида кузатадиган бўлсак, энг юқори ўсиш суръатлари савдо (АҚШда 137,6 %), алоқа (Буюк Британияда 169,4 %), иш юритиш (Буюк Британияда, 150,6 %), молиявий хизматлар (Канадада 131,9 %), ижтимоий хизматлар (Буюк Британияда 134,1 %) турларига мансуб бўлса, энг куйи кўрсаткичлар давлат хизматлари (АҚШда 101,5 % ва Канадада 102,8 %) ҳамда маиший хизматлар (АҚШда 104,3 % ва Канадада 96,6 %) ҳиссасига тегишлидир (2-жадвал)².

2-жадвал

1990-1998 йилларда алоҳида мамлакатлар хизматлар секторида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши динамикаси, фоизларда

Тармоқлар	АҚШ	Буюк Британия	Канада	Германия
Ялпи ички маҳсулот	118,4	115,1	118,3	110,4
Хизмат кўрсатиш соҳалари, жами	120,3	125,2	119,6	116,9
Савдо	137,6	117,5	128,5	116,9
Шундан, Улгуржи савдо	147,5	х	138,6	112,9
Чакана савдо	130,7	х	120,7	106,3

¹ The National Income and Product Accounts of the United States, 1929-82. P. 284-286 ҳамда Survey of Current Business, August 2001. P. 50. расмий нашрлар маълумотлари асосида ҳисобланди.

² Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет / Под ред. И.С.Королева. – М.: Юристъ, 2003. – стр. 156. Стр. 170-171.

Транспорт	114,5	127,8	123,0	114,7
Алоқа	131,6	169,4	127,1	132,2
Молиявий хизматлар	121,3	115,0	131,9	127,9
Суғурта	123,6	х	119,7	102,5
Иш юритиш	130,2	150,6	137,5	126,2
Ижтимоий хизматлар	110,0	134,1	107,5	114,9
Рекреацион хизматлар	127,4	х	124,6	х
Маиший хизматлар	104,3	х	124,6	х
Давлат сектори хизматлари	101,5	х	102,8	х

Жаҳон иқтисодиёти, шу жумладан, тараққий топган мамлакатлар миллий хўжаликлари тизимида сервис соҳалари ривожланишининг бугунги тенденциясига назар ташлайдиган бўлсак, жамият ҳаётининг барча қирраларида кузатилгани каби, мазкур секторда ҳам глобаллашув жараёнлари қизгин руҳда кечаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Кейинги йилларда дунё бозорида хизматлар экспорти ҳажми 754 млрд. АҚШ долларидан 1400 млрд. АҚШ долларига етганлиги, ўз навбатида хизматлар экспортининг жами экспортдаги улуши 18,5 фоиздан 20 фоизга ошганлиги бунинг яққол далилидир.

Айниқса, нисбатан “янги” хизмат кўрсатиш тармоқлари – ахборот, молиявий, иш юритиш ва бошқа шу кабиларнинг тармоқ экспорт ҳажмидаги улуши 37 фоиздан 44 фоизга кўтарилган. Сиёсий ва иқтисодий муомала луғатида “G-8” номини олган – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Россия, Франция ва Япония мамлакатларида кейинги йилларда хизматлар экспортининг йиллик ўсиш суръати ўртача 3,3 фоизни ташкил қилмоқда. Айни пайтда, унинг асосини компьютер-информацион (15,5 %), молиявий (13,7 %), коммуникацион (7,9 %), суғурта (6,6 %), иш юритиш (5,9) хизматлари ташкил қилмоқда¹.

Айни чоғда хизматлар соҳаларининг глобаллашуви либерализация жараёнлари билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу айниқса, молиявий хизматлар

¹ World Development Indicators, 2001. P. 220.

ва операциялар, туризм, халқаро рекреацион хизматлар, фан хизматлари секторларида яққол кўзга ташланади.

Лекин шу билан биргаликда, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келиш ва тез суръатларда бутун дунё хўжалигини қамраб олишида айрим хизматлар, чунончи, молиявий хизматлар ва халқаро молиявий операциялар ўзига хос роль ўйнагани яхши маълум.

Айни пайтда мазкур инқирознинг биринчи навбатда молия (қимматли қоғозлар) бозорларида юз беришини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. **Биринчидан**, ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШда давлат ташқи қарздорлигини юмшатиш мақсадида муомалага товар билан таъминланмаган пул массасининг кўплаб чиқарилиши молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилишига олиб келди. Пул массасининг номутаносиб тарзда ошиши маълум даражада 25 йилдан ошиқ вақт давомида уй хўжаликлари жамғармаларининг пасайиб бориш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган бўшлиқни тўлдириш учун “хизмат қилиши” кўзда тутилганлиги ҳам табиий, албатта. Лекин бу ҳолат юқори фойда орқасидан қуваётган йирик корпорациялар ҳамда молия муассасаларининг мажбуриятлари билан низом маблағлари ўртасидаги мувозанатни сезиларли даражада издан чиқарди.

Иккинчидан, 2006 йилнинг иккинчи яримидан бошланган ипотека бозоридаги талабнинг кескин пасайиши натижасида тизимдаги деярли барча тузилмалар ўз фаолиятини зарар билан яқунладилар. Бу ҳолат 2007 йилда ҳам тўхтовсиз давом этиб, йилнинг 3-чорагига келиб, АҚШ ипотека бозоридаги таҳликали вазият Европа Иттифоқи, Япония, Австралия, Канада ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларга ҳам тарқалди. Жаҳон молия тизимида ликвидлик дефицити, яъни тўловга лаёқатлилиқ даражасининг пасайиши кенг кузатила бошланди. Бунга жавобан мазкур мамлакатлар марказий банклари пул бозори ставкаларини пасайтириш тадбирларини

амалга оширди. 2007 йил сентябрида АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) қайта молиялаштириш ставкасини 5,25 фоиздан бирданига 4,75 фоизга ёки 9,5 фоизга пасайтирди. Банклардан пул оқимларининг чиқиб кетиши кучая бошлади. Буни Англия Марказий банки томонидан “Northern Rock” ипотека банкини қўллаб-қувватлаш учун ажратган 20,0 млрд. евро ҳажмидаги молиявий қўмагининг амалда омонотчилар билан ҳисоб-китоб учун сарфланганлиги, деярли кунига 4,0 млрд. евронинг чиқиб кетишига олиб келганлигида кузатиш мумкин¹.

2008 йилнинг кузига қадар бўлган даврда катталиги бўйича АҚШда 5-ўринда ҳисобланиб келинган “Bear Stearns” ва “Citigroup” таркибига кирувчи “Citibank” немис банкининг савдога қўйилиши, АҚШдаги энг йирик ипотека институтлари – Федерал миллий ипотека ассоциацияси (“Fanni Mae”) ва Уй-жойни ипотека кридетлаш федерал корпорацияси (“Freddie Mac”) бошқарувининг мамлакат молия вазирлиги тассаруфига ўтказилиши² ва ниҳоят 15 сентябрь куни ипотека бозорида кўрилган зарарлар туфайли “Lehman Brothers” инвестицион банки банкротлигининг эълон қилиниши фонд бозорларида талвасали вазиятни келтириб чиқарди. Истеъмолчилар бозордан чиқа бошладилар³.

АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanghai composite, PTC, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган

¹ РИАИ агентлиги маълумотлари. Манбаа: http://www.rian.ru/crisis_spravki/20081201/156202392.html

² Мазкур компанияларнинг АҚШ ипотека бозори битимларидаги улуши деярли 70 фоизга тўғри келган. Ипотека бозоридаги кризис туфайли компаниялар 14 млрд. доллар атрофида зарар кўрганлар. Натижада уларнинг капиталлашув даражаси “Fanni Mae” компаниясида 40 млрд. доллардан 7,6 млрд. долларга, “Freddie Mac” компаниясида эса 22 млрд доллардан 3,3 млрд. долларга тушиб кетган.

³ О.Абдуллаев. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2010. 14–бет.

мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди¹.

1.3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодийнинг эркинлашуви мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб нодавлат секторига берилиши, айниқса хусусий мулкдорлар синфининг шаклланиши, иқтисодийни бошқаришда давлатнинг назорат функциясининг қисқартирилиши, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида мустақилликнинг таъминланиши, уларнинг ўз фаолиятини олиб боришлари учун юқоридан кўрсатма асосида эмас, балки ўзларининг амалий қарорлар қабул қилиши, мулквий жавобгарлик ва масъулиятнинг кучайиши каби ҳолатлар ва омиллар эвазига содир бўлмоқда. Бу барча тармоқ ва соҳаларга, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам оид ўзгаришлардир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки, ушбу соҳанинг ривожланиши янги иш ўринларини очиш эвазига ишсизликнинг олдини олишга, аҳолини иш билан таъминлаб, уларнинг фаровонлигини оширишга, мамлакат бозорини хизматлар билан тўлдиришга ва шу соҳада эркин рақобат муҳитининг яратилишига, давлат бюджетининг даромадлари оширилишига, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг кўтарилишига олиб келади.

Мазкур соҳанинг муҳимлигини шундан ҳам англаш мумкинки, охириги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг бир қанча фармон ва қарорлари, вилоятларда унинг ижросини таъминлашга бағишланган қарорлари қабул қилинди. Булар жумласига шубҳасиз энг аввало, мамлакат

¹ Ходиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2009. – 14-15-бетлар

Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли қарорини, 2007 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли Президент Қарорини киритиш мумкин.

Ушбу қарорлар нафақат ўтган йиллар давомида, балки, яқин истиқболда ҳам мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг дастурамали бўлиб қолади. Улар асосида ўтган йилларда давомида мамлакатимиз ва ҳудудлар бўйича амалий дастурлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб келинди.

Албатта, хизмат кўрсатиш хўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўп сонли меъерий-қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади ва унинг ҳуқуқий асослари белгиланиб берилади. Бу борада аввало “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш”га оид алоҳида боб киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексини, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, Банкротлик тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларини санаб ўтиш жоиз.

Айни пайтда тармоқнинг кейинги йиллардаги жадвал ривожланиши ва Президентимиз Ислон Каримовнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек: "Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор инқирозга қарши туриш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлашда ҳал қилувчи омил"¹га айланишида 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли ҳамда 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли Президент Қарорларининг ўрни беқиёсдир.

Хусусан, республикамызда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;
- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш (4-расм).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ОТБ Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқи. – Т.: 2010 йил 4 май. Манбаа: <http://www.anons.uz>

Ўзбекистонда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий йўналишлар



Шу ўринда 2006 йилда қабул қилинган Давлат дастури самарадорлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, дастурнинг амалга оширилиши натижасида хизмат кўрсатиш корхоналари тизимини сезиларли даражада кенгайтириш имкониятини берди. Уларни кенгайтиришда муҳим рол ўйнаган омилларнинг ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- **биринчидан**, анъанавий хизматлар кўрсатувчи корхоналар сонининг ўсиши (111%) билан бирга янги турдаги хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг сони ҳам юқори суръатларда (130%) ўсди. Масалан, чакана савдо корхоналари 41% га кўпайди ва 2007 йилнинг 1 январидан 52,6

мингтани ташкил этди. Аҳолига маиший хизматлар кўрсатувчи объектларнинг сони ҳам кескин ошди, 2006 йилда уларнинг ўсиши 41% ни ёки 4,9 мингтани ташкил этди. Банк инфратузилмалари 21% га кўпайди, минибанкларнинг сони 360 тадан кўпроққа, омонат кассалари эса 90 тадан кўпроққа ошди. 2005 йил билан таққосланганда, замонави технологиялар, молиявий ва транспорт хизматларидан фойдаланишга боғлиқ бўлган истеъмол хизматларининг кўпайиши ҳисобига сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришлар кузатилди;

- **иккинчидан**, хизматлар соҳасидаги ҳар бир хўжалик субъектлари учун янги йўналишларни таъминловчи, хизматлар бозоридаги конъюнктуранинг ўзгаришига уларнинг тез мослашувчанликлари, бу эса, бир томондан уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга имконият яратади, иккинчи томондан эса – рақобат муҳитининг кенгайишини, янги турдаги иқтисодий фаолиятлар ва янги сервис имкониятлари вужудга келишини таъминлайди;

- **учинчидан**, хизматларнинг ўсишини таъминловчи, рағбатлантирувчи имтиёзларнинг тақдим этилишига боғлиқ ҳолда етарли даражадаги рентабелли фаолият. Масалан, 2006 йилда тақдим этилган имтиёзлар ҳисобига, 2005 йилга нисбатан молиявий хизматлар 7,9% га, маиший хизматлар – 15,8% га, шу жумладан, техника ва автомобилларни таъмирлаш – 13,2% га ўсди. Дастурий йилда соғлиқни сақлаш хизматларининг ўсиши деярли 45% ни, таълим 27% ни, спорт ташкилотлари хизматларининг ўсиши 24% ни ташкил этди. Солиққа тортиш бўйича имтиёзлар берилган бошқа хизматлар 113,6% га ўсди. Алоҳида ҳудудларда хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши кузатилмоқда ва улар башорат кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқоридир

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2008 йилда

хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди¹.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юklarини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади².

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозимки, айти шу жиҳатлар яқин истиқболда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга доир давлат сиёсатида, жумладан, миллий иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг барча вертикал кесими тузилмаларида ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилиб келинаётган дастурларда ўз аксини топмоқда.

Бу борада эътиборли жиҳатлардан бири мамлакат минтақаларининг ёнма-ён, деярли бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қилиши билан изоҳланади. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир яшовчига 2762,3 минг сўмлик,


¹ Ходиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

² Саидов А. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида янги иш ўринларини очишнинг асосий йўналишлари. – Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2010 йил, № 10 (161). 48-49-бетлар.

Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилса, бу Қорақалпоғистонда – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди¹. Албатта, хизмат кўрсатиш соҳалари барқарор ривожланишида саноатлашув жараёни ўта муҳим роль ўйнайди. Лекин, айти пайтда хизматлар сектори минтақалар ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи омиллардан биридир.

5-расм

Ўзбекистон минтақаларида пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм (2010 й.)



¹ Ходиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

5-расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, минтақалар бўйича кўрсатилган пуллик хизматлар умумий ҳажмида иккинчи гуруҳи – қайта ишлаш саноати ривожланган минтақалар – Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари етакчи мавқени эгаллайди. Айти пайтда тоғ-кон, нефт-кимё, газ-кимё каби ўзлаштирувчи саноат тармоқлари ривожланган Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми оқсаётганлигини кузатиш мумкин (5-расм).

Хизматлар соҳасидаги давлат сиёсатининг яна бир йўналишларидан бири қишлоқ жойларида инфратузилмалар тизимини изчил ривожлантиришдир. Айти пайтда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 мартаба кам бўлган.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва яқка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган болалар спорт комплексларининг 75 фоизи қишлоқ жойларда

барпо қилинганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуратимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шаҳобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги уқдирилади.

Қарорда белгиланганидек, бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Албатта, ўтган йиллар давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қатор муҳим натижаларга эришилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунончи, ўтган 2010 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис секторидаги иқтисодий ўсиш 13,4 фоизни ташкил этиб, бу саноат 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 6,8 фоизни, асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларда 9,2 фоизни ташкил қилганлиги мазкур секторни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини кўрсатиб беради. Ёки "...сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши

бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ошди. Биз бу борада мобил алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз”¹.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, “Ҳозирги вақтда мамлакатимиз собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастурни амалга оширишни бошлади ва бу жараён 2015 йилда ниҳоясига етказилади.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди.

Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак”².

Анъанавий хизмат турларидан чакана савдо айланмаси ҳажми 2010 йилда 21448,9 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2009 йилга нисбатан 114,7 фоизга ортиқдир. Эътиборли томони чакана савдо айланмасининг мулкӣ таркибида нодавлат сектор улуши 21422,4 млрд. сўмни ёки жамига нисбатан 99,9 фоизни ташкил қилган. Айни пайтда, шундан 15917,6 млрд. сўмлик ёки жамига нисбатан 74,2 фоиз савдо хизматлари бевосита фуқаролар хусусий мулкига тааллуқлидир.

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоӣ-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь


² Ўша жойда.

Шунингдек, қишлоқ жойларидаги савдо корхоналари йиллик обороти умумий савдо айланмасининг 23,5 фоизини ташкил қилган. Лекин шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чакана савдо айланмаси ҳажми 14,7 фоизга ўсгани ҳолда, 7330,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бу жами савдо оборотининг 34,2 фоизига тенгдир.

Пуллик хизматлар ҳажми 2010 йилда 7919,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 113,4 фоизга ўсган. Бу секторда ҳам хусусий тадбиркорлик секторининг улуши изчил ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин, яъни, ўтган 2010 йилда хусусий тадбиркорлар томонидан жами 2817,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, бу жами хизматларнинг 35,6 фоизини ташкил қилади ҳамда 2009 йилга нисбатан 12,3 фоиз ўсишга эришилган. Бугунги кунда пуллик хизматлар соҳада нодавлат секторнинг улуши 78,1 фоизни ташкил қилмоқда (6-расм).

6-расм

2010 йилда Ўзбекистонда кўрсатилган пуллик хизматларнинг мулкый таснифи



Жами пуллик хизматлар ҳажмида маиший хизмат улуши 10 фоизга тенг бўлиб, бу 789,5 млрд. сўмни ташкил қилади. Айнан маиший хизмат соҳасида хусусий тадбиркорлик улушининг 88,7 фоизни ташкил қилиш бир томондан соҳада рақобат муҳитини қарор топтирса, иккинчи томондан, юқори ўсиш суръатини таъминлаб берган. 2010 йилда маиший хизмат соҳасидаги хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган

хизматлар ҳажми 700,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, 19,4 фоиз ўсишга эришилган.

Маиший хизмат соҳасидаги давлат сиёсатида хусусийлаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан бир қаторда тизимда фаолиятни юритишнинг ташкилий жиҳатларига ҳам, шунингдек, маиший хизмат корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш билан боғлиқ масалаларга ҳам катта эътибор қаратилган. Чунончи, бу борада 1995 йил 12 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 399-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Республика Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 19 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 446-сонли Қарори кабиларни келтириб ўтиш мумкин¹.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгилаб берилган олтинчи устувор йўналиш – “Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий таракқиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини

¹ Саидов А. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида янги иш ўринларини очишнинг асосий йўналишлари. – Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2010 йил, № 10 (161). 48-49-бетлар.

тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш - истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”¹.

Айни пайтда бугунда эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар хизмат кўрсатиш секторини ривожлантиришнинг қуйидаги муаммолари ва уларни ҳал этиш имкониятлари борлигини кўрсатади:

Биринчидан, туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд ҳудудларда хорижий туристларга хизмат кўрсатиш салоҳиятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Сервис даражаси, шунингдек транспорт хизматлари ва меҳмонхона хизматлари сифатининг пастлиги ички туристларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини етарли даражада кенгайтириш имкониятини бермаяпти.

Иккинчидан, хизматларнинг моҳиятини тушунишда анъанавий, содда ёндошув устунлик қилмоқда, бунда пойафзалларни таъмирлаш, сартарошхоналар, расмхоналар ва ижара каби маиший кўринишдаги хизматларга эътибор қаратилмоқда ҳолос. Шу муносабат билан 2007 йилда хизматларнинг таркибида банк, молия, таълим ва бошқа йўналишлардаги хизматларнинг улушини ошириш бўйича ишларни давом эттириш лозим.

Учинчидан, яқка тартибдаги буюртмаларни бажаришга ихтисослашган майда товар ишлаб чиқариш каби сегментлар етарли даражада ривожланмаяпти, бу эса ўз навбатида, иқтисодий фаолиятнинг янги турларини, инвестиция ва сервис имкониятларини талаб этади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Манбаа: <http://www.gov.uz>

Тўртинчидан, чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларни тегишли хизматлари билан таъминлашда коммуникация алоқалари ва технологияларини ривожлантиришни янада кенг миқёсда амалга ошириш лозим, бунда товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи ахборот марказларини, юк ташиш, автомобил йўллари, сервис хизматлари ва транспорт инфратузилмалари бўйича электрон маълумотлар базасини истеъмолчиларга тақдим этувчи, экспорт юкларни қайта ишлаш бўйича логистик мажмуаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, савдо ва умумовқатланишни ташкил этиш индустриясининг кенгайиб бораётганлиги уларнинг сифатини янада ошириш имкониятларининг борлигини кўрсатади.

Олтинчидан, коммунал соҳада кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчилар талабларига мос келиши лозимдир, бунда улар ҳуқуқларининг ҳимояланганлик даражасини ошириш зарур. Ҳозирча бу масала кўп ҳолларда ўз ечими топмасдан қолмоқда.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

II.1. Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши тахлили ва бошқариш масалалари

Мамлакат миллий иқтисодиётининг таркиб жиҳатдан такомиллашуви ҳамда макроиқтисодий ривожланишида унинг минтақавий тузилмаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар, бу жараённинг бевосита сифат ўлчови – минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси муҳим ўрин тутди. Минтақавий ривожланиш ўз навбатида унда содир бўладиган иқтисодий жараён ва муносабатларнинг кенг қамровлилиги, алоҳида тармоқ, тармоқлараро ҳамда минтақанинг ички ва минтақалараро алоқадорликнинг уйғунлиги тизимида намоён бўлади.

Наманган вилояти мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган минтақалардан бири ҳисобланади ва мамлакат миллий иқтисодиётида, минтақавий таркиб тузилмасида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қамровли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу минтақа иқтисодиётининг сифат жиҳатидан тобора янги қиёфага кириб бораётганлигини ифодалайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида иқтисодиётнинг бошқа ўзак тармоқлари сингари хизмат кўрсатиш сектори ҳам жадал ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Наманган вилоятида аҳолига маиший хизмат, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатиш тез ривожлана бошланди. Чунончи, 1997 йилда вилоят аҳолисига 3107,0 млн. сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Кўрсатилган хизматларнинг 39 фоизи (1028,1 млн. сўм)

маиший хизмат турларига тўғри келди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1719,2 сўмни, маиший хизмат кўрсатишда эса 568,9 сўмдан иборат бўлди. Ушбу йилда вилоятда 745 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатган.

2000 йил Наманган вилоятида чакана савдо айланмаси 97535,1 млн. сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига нисбатан 50531 сўмдан тўғри келди. Пуллик хизмат кўрсатиш эса 11934,5 млн. сўм бўлиб, аҳоли жон бошига 6183,0 сўмдан, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш 3853,8 млн. сўм бўлиб, шундан аҳоли жон бошига 3997 сўм тўғри келди.

2001-2005 йилларда Наманган вилояти аҳолисига кўрсатилган чакана савдо хизмати сезиларли равишда ўсди. Агар 1996 йил аҳоли жон бошига 11,2 минг сўмлик чакана савдо хизмати кўрсатилган бўлса, 2001 йил 80608 сўм, 2005 йил 158904 сўм ва 2006 йил 201,6 минг сўмга етди. Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида “озиқ–овқат маҳсулотлари” ва “универсал” улгуржи базалар ташкилланди ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан истеъмолчилар ўртасидаги занжир тикланди ва таъминот даражаси яхшиланди.

Аҳоли жон бошига нисбатан пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам кўпайди. Агар 1996 йил аҳоли жон бошига 1 минг сўм пуллик хизматлар тўғри келган бўлса, 2001 йил 9 минг сўм, 2005 йил 35,3 минг сўм, 2006 йил 49,2 минг сўмга ёки 5 мартадан ортиқ кўпайди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 33,9 % дан иборат бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2006 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу соҳада кенг кўламли ишларни ижтимоий ҳаётга жорий этишда стратегик вазифаларни белгилаб берди. Қарорга мувофиқ Наманган вилоятида ҳам 2006-2010 йилларда савдо, транспорт, темир йўл, авиация, электрон ахборот тармоқлари ва телекоммуникация хизматлари,

шунингдек, банк, молия, суғурта, лизинг, туризм, меҳмонхона, коммунал ва маиший хизмат, автомобил ва бошқа турдаги техникаларни (оргтехника ва офис жиҳозлари) таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги тизимига сервис хизматлари кўрсатиш, таълим, спорт ва маданият, соғлиқни сақлаш, санатория ва курорт хўжалиги хизматларини жадал ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш кўзда тутилган.

Шу маънода сўнги йилларда Наманган вилоятида хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашуви ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. 2008 йилда чакана товар айланмаси 758924,3 млн. сўмни ташкил этди ва 2007 йилга нисбатан 116,8% ўсди. Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси 265341,2 млн. сўмни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 144,2 % ошди. Қишлоқ жойларидаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 4,5 % ташкил қилди. Деҳқон бозорлари томонидан қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш 5,7 % га кўпайди ва 288328,2 млн. сўмга етди. Унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 38,0 % ни ташкил қилди. Озиқ-овқат молларини сотиш 355308,1 млн. сўм, ноозиқ-овқат молларини сотиш 403616,1 млн. сўмдан иборат бўлди. Чакана товар айланмаси таркибида озиқ-овқат моллари улуши 53,2 % ни ташкил қилди. Умумий овқатланиш соҳаси товар айланмаси 12362,6 млн. сўм ёки 2007 йилга нисбатан 7,4 % кўпайди.

2008 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 228948,0 млн. сўмни ёки 2007 йилга нисбатан 126,1 % га ўсди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар 132,4 % га кўпайди ва 126954,1 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 55,5 % ни ташкил қилди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмидаги нодавлат сектори улуши 85,9 % дан иборат бўлди.

Пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги маиший хизматлар 24 % ни ёки 55102,3 млн. сўмни ташкил қилди ёки тармоқнинг реал ҳажми 41,9 % га

ошди. Маиший хизматлар кўрсатишнинг 97,0 % хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилди. Шу сектор томонидан 53499,4 млн. сўмлик хизматлар бажарилди ёки ўсиш суръати 149,0 % ни ташкил қилди.


2008 йил иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар 692149,9 млн. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 326722,4 млн. сўмни ёки умумий кўрсатилган хизматларнинг 47,2 % ташкил этди ва 120,6 % ўсди. Хизматлар кўрсатишда энг катта улуш савдо ва умумовқатланиш (27,6 %), коммунал хўжалик (20,0 %), бошқа бозор хизматлари (18,1 %), транспорт (15,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш (6,7 %) хизматлар ҳиссасига тўғри келди. 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар 42,8 % ни ташкил этди.

2010 йилда чакана савдо айланмаси ҳажми 1318,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 120,0 фоизга, пуллик хизматлар ҳажми эса 434,0 млрд. сўм ёки 116,1 фоизни ташкил этди. Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши прогноз кўрсаткичларидан 2,7 бирликка ортиқ бўлиб, 49,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан 405 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил қилиниб, шундан 344 таси қишлоқ жойларига тўғри келди. Шу жумладан, 118 та чакана савдо, 40 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 64 та сартарошхона, 43 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш, 27 та умумий овқатланиш корхонаси, 5 та гузар, 24 та суратхона ва 85 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилган (7-расм).

2010 йил якуни бўйича хизмат кўрсатиш секторида 24726 та, шундан қишлоқ жойларида 20009 та янги иш ўринлари яратилди. Таҳлил даврида хизматлар ҳажми 119,0 фоизга, савдода 124,5 фоиз, транспорт хизматида 133,1 фоиз, молия ва банк хизматларида 135,9 фоиз, меҳмонхона хизматида 138,1 фоиз, коммунал ва маиший хизматларда 103,0 фоиз, автомобилларни таъмирлашда 122,9 фоиз ва бошқа хизматларда 119,0 фоизга ўсишга эришилди (3-жадвал).

Наманган вилоятида 2010 йилда ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари тўғрисида



Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 2010 йил давомида «Микрокредит» банк вилоят бўлими томонидан 906,2 млн. сўм ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси томонидан 148,0 млн. сўм, жами 1054,2 млн. сўм кредит маблағлари амалиётга йўналтирилди.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб боргани сари хизмат кўрсатиш соҳаларини замонавий тармоқлари ривожланиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу жараён Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлик даражасига ижобий таъсир этмоқда ҳамда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, унинг фаровонлиги ортиб бормоқда.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики юқоридаги замонавий хизмат турларини шаҳар ва қишлоқларда ривожлантириш тадбиркорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун мамлақтимизда бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг ўзига хос мукамал тизими яратилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

3-жадвал

Айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилаш, коммунал, маиший хизмат, уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш, сувдан фойдаланиш, ветерания хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш занжирини ташкиллаш, МТПларда хизмат ҳажми ва турларини кўпайтириш, анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда истиқболли – юридик, консалтинг, маркетинг, банк-молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмати турларини жадал ривожлантириш, кўрсатиладиган хизматлар даражаси, савияси ва сифатини яхшилаш ҳамда шу асосдаги хизматлар экспортини кўпайтириш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

Аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва эҳтиёжларини кондиришда маданий-маънавий ҳамда ахлоқий кадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга ўтишида маданият муассасаларининг ўрни бекиёс бўлиб маънавий-рухий ривожланиш асосидир.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг бизнес ва тадбиркорлик фаоллиги сезиларли даражада ўсди. Хўжалик фаолияти билан шуғулланиш нафақат иқтисодий фаол аҳоли, балки, ундан ташқарида ҳисобланган аҳоли қатламларини ҳам қамраб олган. Айни пайтда аҳолининг бу каби бизнес фаоллиги юқори бўлган шароитда ижтимоий-маданий хизматлар тизими кишилар руҳиятидаги зўриқиш, толиқиш ва шу орқали юзага келиши мумкин бўладиган ижтимоий босимни юмшатиш имконини беради.

Айни шу мақсадларда Наманган вилоятида бугунги кунда 500 та оммавий кутубхона ва ахборот ресурс марказлари, 146 та клуб муассасалари, 46 та кинотеатр, 1 та вилоят ўлкани ўрганиш музейи, халқ музейлари, А.Навоий номидаги мусиқали драма театри, “Ёшлар мажмуаси” худудида жойлашган 3350 ўринли амфитеатр, 10 га яқин ҳаваскор фолклёр ансамбллари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида туризм жадал ривожланди. 1992 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан туризм соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилди. Мамлакатда ва унинг ҳудудларида туризмни ривожлантиришнинг устувор дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Маълумки, Наманган вилояти хорижий ва ички туризмни ривожлантиришнинг бой имкониятларига эга эканлиги билан нафақат Фарғона водийсида балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари ўртасида ҳам ажралиб туради. Айниқса, вилоятдаги бой археологик-тарихий обидалар – Ахсикент, Мунчоктепа, Муғ, Элатан ва Кайвонот, Буонамозор ва бошқа диққатга сазовор жойлар, сайр-саёҳат, дам олиш ва даволаниш масканлари, Янгиқўрғон туманида “Кўксарой” туристик базалари, Подшоотасой дарёси, Косонсой туманида Косонсой дарёси бўйидаги дам олиш масканлари (Косонсой санаторийси ва бошқалар), Чуст шаҳрида Лутфий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ғовасой дарёси бўйидаги дам олиш масканлари, Чортоқ туманидаги “Чортоқ”, Тўрақўрғон туманидаги “Шаҳанд” ва бошқа кўплаб сихат-саломатликни тиклаш ҳамда курорт хўжаликлари ва бошқалар туризмни ривожланиб боришига имконият яратмоқда.

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида туризмни ривожлантиришнинг мустаҳкам замонавий моддий-техник асослари яратилди. Жумладан, 8 та туристлар жойлашадиган меҳмонхоналар бўлиб, улардаги ўринлар 345 тани, 7 та туристик базада эса ўринлар сони 200 тани ташкил қилди. Шунингдек, “Ўзбектуризм” МКдан ташқари вазирлик ва идораларига қарашли 5 та меҳмонхона ва ундаги ўринлар 225 та ҳамда хусусий секторга қарашли 2 та меҳмонхона (120 ўринли) фаолият кўрсатмоқда. 2008 йилда вилоятда 15120 та туристга хизмат кўрсатилди, шундан хорижий туристлар 650 та ва мамлакатимиз фуқаролари 14470 тани ташкил қилди.

Ижтимоий хизматлар соҳаси таркибида ғоят мураккаб мажмуа бўлиб, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи мажмуадир. Мажмуа ўз таркибига ичимлик сув, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси таъминоти, санитария-гигиена ташкилотлар, шаҳар ва туманлар хўжалигини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бошқаларни камраб олади. Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида коммунал хизматлар кўрсатиш янги босқичга кирди. 1995 йилдан бошлаб коммунал хўжалик тизимида туб ислохотлар амалга оширилди.

1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Наманган вилоятида давлат уй – жой фондини хусусийлаштириш дастури тўлақонли амалга оширилиб, давлат уй–жой фондининг қарийб 99,0 % фуқароларга бепул, арзон ва имтиёзли нархларда хусусий мулк сифатида берилди.

Коммунал хўжалик тизимидаги ислохотлар натижасида уй-жой фонди бошқарувида мутлақо янги тузилма – уй-жойлардан умумий фойдаланишга хизмат кўрсатувчи ва бошқариш вазифалари билан шуғулланувчи уй-жой мулкдорлари ширкатлари юзага келди. Наманган вилоятида 27 та ана шундай уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўлиб, улар уй-жой мулкдорлари уюшмаларига бирлашган.

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Наманган шаҳри аҳолисини, шаҳарчалар ва қишлоқларни тоза, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Учкўрғон-Наманган” сув узатиш иншоотининг барпо этилиши (1996 йил) вилоятдагина эмас, балки Республикада ҳам муҳим аҳамият касб этиб, пировардда вилоят аҳолисининг сув таъминоти 73,8 % ни етди (шаҳарларда 91,8 % ва қишлоқларда 64,9 %). 2000 йилда Наманган вилояти

аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби 79,8 %, 2005 йилда 79,3 %, 2008 йилда 78,5 % ни ташкил қилди.

Бугунги кунда Наманган вилояти аҳолисини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва янги тармоқларни барпо қилиш мақсадида тармоққа хорижий инвестицияларни жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, “Наманган шаҳар оқава сувларини тозалаш иншоотини реконструкция қилиш”, “Заркент-Ходикент-Исковот-Булоқбоши-Бўстон-Ёшлик сув тармоғи ва бош сув иншооти қурилиши”, “Учқўрғон-Наманган” магистрал сув тармоғининг 2-навбатини қуриш” ва бошқа лойиҳалар амалга оширилиши яқин истиқболда Наманган вилоятининг барча даражадаги аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан тўла таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, “Наманган шаҳар оқава сувларини тозалаш иншоотини реконструкция қилиш” лойиҳасини амалга ошириш натижасида аҳолининг канализация тармоғи билан таъминланганлик даражаси 23 % дан 40 % га етади.

Мустақилликнинг дастабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан шаҳар ва айниқса қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш давлатнинг устувор сиёсатига айланди. 1995 йил Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларини табиий газ билан таъминлаш 40,4 % бўлган (шундан шаҳарларда 62,5 % ва қишлоқларда 27,8 %) бўлса, 2000 йилда 56,5 % ни (шундан қишлоқларда 54,0 %), 2005 йилда 80,8 % ни (шундан қишлоқларда 69,4 %) ва 2008 йилда 83,6 % ни (шундан қишлоқларда 79,5 %) ташкил қилди. Табиий газ Наманган вилоятининг энг чекка тоғ олди ҳудудларидан Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари аҳоли пунктларига қадар (Заркент, Нанай, Ҳазратшоҳ ва бошқ.) етиб борди.

Наманган вилоятида алоқа хизмати XIX асрнинг 2-ярмидан ривожлана бошлаган. Мустақиллик йилларида алоқа телекоммуникация мажмуаси

хорижий инвестиция иштирокида халқаро алоқа тизимига интеграциялаш мақсадида замонавий рақамли тизимга ўтказиш мақсадида тубдан реконструкция қилинди. Корея Республикасининг "ДЭУтелеком" ва Германиянинг "Алкатель" ва бошқа фирмалар иштирокида Наманган шаҳри ва туман марказларида янги типдаги АТСлар ишга туширилди. Туркиянинг "Нотеш", "Нортон телеком" фирмаси иштирокида "УзПАК" (ҳозирги "УзНЕТ") интернет тизимининг вилоят бўлимлари юзага келди. Айни вақтда мамлакатимиз вилоятларида 10 дан ортиқ интернет провайдерлик компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Наманган вилоятида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар ва туманларда телекоммуникацияларни рақамли таъминлаш даражаси 86 % га ошди. Интернетдан фойдаланувчилар сони доимий ортиб бормоқда. Халқаро почта юклари ва корреспонденциялари учун "ЕМС Ўзбекистон" экспресс почта корхонасининг Наманган вилоят бўлими ташкил қилинди. Почта юклари ва корреспонденциялари манзилга 42 соатдан 72 соат вақт оралиғида етказиб берилмоқда.

2004 йилда Наманган вилоятида радиоалоқани янада ривожлантириш мақсадида FM 103.6 диапазонида "Олтин Замин" радиоси ташкил этилди. Бу радио тўлқин орқали нафақат Наманган вилоятини, балки, бутун Фарғона водийсини энг сўнгги янгиликлар билан таништириш имконияти пайдо бўлди.

Телефон алоқасида янги уяли алоқа компанияларининг вилоядаги филиаллари ташкил этилиши натижасида қулайликлар юзага келтирилди. Биргина уяли алоқа тизимида Наманган вилояти бўйича МТС-Ўзбекистон, Билайн, Ucell, Перфектуммобайл ва Узмобайл компаниялари ишга туширилиб, ўзининг минглаб абонентларига эга бўлди. Ҳозирги кунда алоқа тизимида хизмат кўрсатувчи корхоналар улушига кўра МТС-Ўзбекистон компанияси 62 фоиз, Телеком компанияси 22 фоиз, Ucell компанияси улуши 10 фоиз ва почта хизмати улуши 6 фоизни ташкил этади.

Наманган вилоятида мустақиллик йилларида алоқа телекоммуникация хизмати босқичма-босқич ривожланиб борди. 1993 йил 173 та телефон станциялари, 1994 йил 168 та, 1995 йили 170 та телефон станциялари бўлиб, ўрнатилган телефонлар 1993 йил 101174 та, 1994 йилда 102891 та ва 1995 йил 105419 тани ташкил қилди.

Почта алоқа боғламаси 12 та почта алоқа бўлинмалари 1993 йилда 246 та ва 1995 йилда 203 та бўлиб, 1223 та ходим ишлади. 1993 йил алоқа хизматларининг асосий фаолиятидан тушган даромад 31,2 млн. сўм, 1994 йилда 40,9 млн. сўм ва 1995 йилда 222,0 млн. сўм бўлди,

2000-2005 йилларда Наманган вилоятида алоқа телекоммуникация хизмати сезиларли равишда ривожланди. Чунончи, 2000 йилда алоқа хизмати даромади 1378,4 млн. сўм бўлган бўлса, 2005 йил 10085,2 млн. сўмга етди ёки алоқа хизматларидан олинган даромад 7,3 марта ўсди, Шу жумладан, электр алоқа 2000 йилда 1112,4 млн. сўмдан 2005 йил 9068,4 млн. сўмга ёки 8,1 марта кўпайди. Почта алоқаси 2000 йилда 266,0 млн. сўмдан 2005 йил 1016,9 млн. сўмлик хизмат кўрсатди ёки хизматлар 3,8 мартага ошди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш 2000 йилда 475,9 млн. сўмдан 2005 йил 6938,5 млн. сўмга ёки қарийб 14,5 марта ошди. Жумладан, электр алоқа 2000 йил 413,3 млн. сўмдан 2005 йил 6565 млн. сўмга ёки 15,8 марта, почта алоқаси 2000 йилда 62,6 млн. сўмдан 2005 йилда 373,5 млн. сўм ёки 5,9 марта кўпайди.

Кўриниб турибдики, бу йилларда алоқа телекоммуникация хизматларида жаҳон андозаларига мос Наманган шаҳри туманлар ўртасида оптик толали алоқа, уяли телефон хизмати, интернет тизимларидан фойдаланиш хизматлари кенгайди. 2008 йилда Наманган вилояти бўйича алоқа хизматларидан олинган фойда 928,2 млн.сўмга етди.

Бугунги кунда Наманган вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш тизими қуйидаги бир нечта йўналишларда ривожлантирилмоқда:

Биринчи йўналиш тизимни ривожлантиришга қаратилган давлат конун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ижросини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, телекоммуникация тармоқларидан оқилона фойдаланиб қишлоқларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадаллаштириш учун қулай шароит яратишга доир агентликнинг фармойишида белгиланган вазифаларни бажариш учун “Намангантелеком” филиали туман телекоммуникация боғламалари билан ҳамкорликда жами 107 та кичик тадбиркорлик субъектлари (79 та шаҳарда, 28 та қишлоқ жойларида) томонидан 127 та сўзлашув шахобчалари (шаҳарда 98 та, қишлоғда 29 та) фаолияти йўлга қўйилган.

2010 йил май ойида ЎзАААнинг 2010 йил 3 майдаги 179-сонли буйруғига асосан вилоятдаги мавжуд ҚВПларга GSM стандартида ишловчи 52 дона стационар мобил телефон аппаратлари 2 йил муддатга, ҳар ойда 500 минутдан лимит билан активлаштирилган 52 та бепул симкарта билан таъминланган. Вилоят ижтимоий инфратузилма объектларининг алоқа линиялари билан таъминланиши даражасини ошириш, пировардда, мазкур сектор муассасаларини электрон ҳужжат алмашинуви тизимига жалб қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида» 2005 йил 19 майдаги 128-сонли қарорига мувофиқ вилоят почта алоқасини жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, аҳолига сифатли почта хизматлари кўрсатиш, ахборот-технологиялар негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш, иш ўринларини компьютер техникаси ва

жиҳозлар билан таъминлаш, алоқа бўлимларини замонавий кўринишга келтириш бўйича 2010 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш энг аввало, ана шу шахобчалар жойлашган биноларни балансга олишни назарда тутди. Натижада бугунга келиб 203 та алоқа бўлимлари жойлашган биноларнинг 157 таси ёки 77,3 фоизи балансга олинди ва хужжатлари тегишли тартибда расмийлаштирилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, почта алоқаси шахобчаларининг АКТлар билан жиҳозланиш даражасининг оширилиши **бир томондан**, улар хизмат кўрсатиш йўналишларини, хизмат турларини кенгайтириш ва тезлаштириш имконини берса, **иккинчи томондан**, электрон хужжат алмашинув тизими учун инфратузилмалар таркибини кенгайтиришга йўл очиб беради.

Иккинчи йўналишдаги тадбирлар давлат бошқаруви ва хўжалик субъектларида ходимларнинг АКТларидан, шу жумладан, электрон хужжат алмашинуви ҳамда электрон рақамли имзодан фойдаланиш кўникмаларини ошириш билан боғлиқ. Бу борада, Наманган вилояти шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари, давлат муассасалари мутахассислари, тадбиркорлар ва аҳолини ахборот-коммуникация технологиялари жумладан электрон хужжат алмашинуви, электрон рақамли имзо бўйича ўқув семинарлари ташкиллаштирилган. Аҳолини АКТдан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ҳудудлар (шаҳар, туман, ҚФЙ, МФЙ) кесимида ўқув семинарлар мунтазам ташкил қилинмоқда

Бугунги кунда Наманган вилоят шаҳар ва туманларидан сутканинг исталган вақтида жаҳондаги исталган мамлакатга телефон қилиб сўзлашиш ва интернет орқали алоқа қилиш мумкин.

Бугунги иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида бозор инфратузилмалари иқтисодий муносабатлар тизимида ўзига хос ўрин тутди ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлдаги “1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори бозор инфратузилмаларини ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бош бошқармаси ҳамда 14 та тижорат акционерлик банклари, жумладан, Агробанк, Халқ банки, Саноатқурилиш банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ипотека, Микрокредитбанк, “Қишлоқ қурилиш банки, Савдогарбанк, Туронбанк, Алоқабанк, Асакабанк, Ҳамкорбанк, Ипак йўли банки, Трастбанкларнинг вилоят бўлимлари фаолият кўрсатди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилувчи брокерлик идоралари Республика Миллий деаозитарияси, Кўчмас мулклар биржаси, Товар хом ашё биржалари, Инвестиция фондинг вилоят бўлимаси, “Мадад”, “Ўзагросуғурта”, “Ўзбекинвест”, “Кафолат”, “Капиталсуғурта”, “Алском” ва бошқа суғурта агентликлари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси фаолият кўрсатади.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлашуви бозор инфратузилмаларини янада ривожланишига уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига олиб келди. Чунончи, миллий валютанинг ҳалқаро операцияларда конвертацияси таъминланди. Эркин конвертацияга ўтилиши эса вилоятга хорижий инвестицияларни кириб келишига шароит яратди. Натижада банклар фаолияти кучайди ва фаоллашди.

Ушбу олиб борилган тадбирлар самарасида кейинги беш йил ичида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида хизматлар секторининг улуши 36,9 фоиздан (2006 йил) 49,2 фоизга (2010 йил) ёки 1,3 мартага ошди (8-расм).

8-расм

II.2. Хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда ўзаро алоқадорлиги

Республикада кичик тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жihatдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Кичик тадбиркорлик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар орасида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, коммуникация ва алоқа, маслаҳат ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларига юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақат мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

“Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қўйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, уьхгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва боқшалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизим кириб келиши билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўлами кенгайиб, “бозор инфратузилмаси” ва “институционал инфратузилма” сўзлари истеъмолга кириб бормокда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор

хосил қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва бошқалар киради (9-расм).

9-расм

Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизими



Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар

тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, АҚШда 1953 йили кичик ва ўрта бизнес ишлари бўйича Администрация (КБА) ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазифалар (молиявий ёрдам, техник ва маслаҳат хизмати, давлат буюртмаларини олишга қўмаклашиш ва бошқалар) юклатилган.

КБА таркиби уч босқичдан – АҚШ пойтахтидаги штаб-квартира, 10 та худудий бошқарма ва 100 дан ортиқ маҳаллий бўлинмадан иборат. Улар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган тармоққа эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коллежлар, университетлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатади. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш билан бошқа идоралар, хусусан, Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой қурилиши ва шаҳарлар ривожланиши вазирлиги, миллий илм фонди, фермерлик бўйича Администрация, кичик бизнесни ривожлантириш марказлари ва институтлари, савдо-саноат палатаси каби 2700 дан ортиқ федерал идора шуғулланади.

Кейинги йилларда республикамизда бозорда инфратузилмаларини фаол шакллантириш жараёни бошланди. Бу жараённинг натижалари сифатида кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи брокерлик идоралари, кичик улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консалтинг компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, инжиниринг, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари, транспорт-экспедиция корхоналари, ахборот-реклама бюrolари ва бошқа турли хил инфратузилмалар тизими фаолият кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (4-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

4-жадвал

**Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига
хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари
(2010 йил, бирликда)**

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424

Бизнес-мактаб – тадбиркорларни, кичик корхоналар раҳбарларини, кичик корхоналар учун мутахассисларни, ишсизларни, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқароларни, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул бўлган хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

Ўқув-амалий марказлари – кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

Бизнес-инкубаторлар – махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк – ўз ҳудудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Бизнес-марказ – тадбиркорлар ва бизнесменларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

Консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси – бу турли йўналишдаги фирмаларнинг бозор ва бизнес соҳасидаги имкониятларини аниқлаб берувчи молия-хўжалик фаолиятини ялпи тафтиши билан шуғулланувчи муассаса.

Суғурта компанияси – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ходисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти ўтилиши туфайли мамлакатда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб боради. Жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият – хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, ишловчиларни иш ҳақи билан таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар ва бошқалар юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабат-лар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида, олинадиган кредитлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошқора этилмас эди. Жаҳон хўжалигининг муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълумдир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизимининг фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорликнинг актив иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимиз 30 та банк фаолият кўрсатиб, шундан 3 таси давлат банклари, 13 таси акциядорлик тижорат банклари, 9 таси хусусий банклар, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айти пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг динамикаси, млрд. сўм


Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010
Банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар-жами	419,9	547,4	743,7	1250,7	1851,7
Шу жумладан:					
Кичик бизнес субъектларига банклар томонидан берилган микрокредитлар	45,4	64,9	110,0	202,5	322,1

Жадвалдан кўринадики, 2006-2010 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган.

Сўнги икки йилликда – 2009-2010 йилларда Наманган вилоятида ҳам тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари учун кредит ажратиш ҳажми сезиларли даражада ошган. Чунончи, агар 2009 йилда вилоят бўйича кичик тадбиркорлик тузилмаларига жами 80011,0 млн. сўм кредит берилган бўлса, бу 2010 йилда 112229,0 млн. сўмга етди ёки 140,3 фоизга ошган.

10-расм

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар



Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар суммасини туманлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, энг катта улуш шубҳасиз Наманган шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 2010 йил ҳолати бўйича вилоят

жами кўрсаткичининг 48,4 фоизини эгаллаган ёки 54289,0 млн. сўм ҳажмида кредит ресурслари ажратилган. Ундан кейинги ўринлар Учқўрғон (6697,0 млн. сўм), Чуст (6465,0 млн. сўм) ва Поп (6114,0 млн. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Айти пайтда 2009-2010 йиллар бўйича ажратилган кредит ресурслари ўсиш суръати вилоят маъмурий бирликлари бўйича ўртача 39-40 фоизга ўсгани ҳолда, фақат Тўрақўрғон туманида ажратилган кредитлар ҳажми қарийб 1,5 мартага кўпайган (10-расм).

II.3. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда инвестиция жараёнлари

Ҳар ижтимоий-иқтисодий фаолият мазмунан муайян мақсадли ҳатти-ҳаракатлар мажмуасини, шунинг баробарида, муайян харажатлар ва сармояни тақозо қилади. Фаолиятнинг молиявий таъминланганлиги ва унинг қай даражада тўлақонли ўз ечимини топиши пировардда айти шу фаолиятнинг самарадорлигини, амалий аҳамиятини юзага чиқариш имконини беради. Ана шу харажатлар таркибидаги узоқ муддатли қўйилмалар, сармоялар амалиётда инвестиция тушунчасини билдириб, инвестиция деганда келгуси фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги – мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Ҳар қандай узоқ муддатли фаолиятни бошлаш, кенгайтириш ва янгилаш учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни, мезодаражада минтақаларни ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Инвестициялар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаётган қувватларни сақлаб туриш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда бошқа якуний натижаларга эришиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбир (лойиҳа)ларга сарфланадиган

бойликларни ифода этади. Инвестициялар ўз ичига фойда олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағлари, шунингдек, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар (шу жумладан, товар белгилари), кредитлар, ҳар қандай бошқа мулк ва мулкый ҳуқуқларни ҳамда интеллектуал бойликларни ҳам ўз ичига олади.

Модернизациялаш ва ундан кутилаётган самара қанчалик катта бўлмасин, айти пайтда мазкур жараённинг ўзи ғоят мураккаб тизимга эга бўлиб, ўзида мужассам этадиган муносабат ва жараёнларнинг ҳам сифат жиҳатдан такомиллашувини талаб этади. Бу борада асосий жабҳалар бири инвестициялардир. Инвестициялар иқтисодий ўсишнинг моддий асосини таъминлаб беради. Мамлакат ёки минтақалар ривожланиши, улардаги иқтисодий салоҳиятни амалиётга сафарбар этиш кўп жиҳатдан инвестициялар кўлами, ҳажми, минтақанинг инвестицион муҳитига боғлиқ.

Инвестициялар мамлакат иқтисодиётида қандай юқори мавқе тутса, уларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли ундан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади. Буни республика Президенти ўзининг 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида алоҳида қайд этиб ўтади: “Инвестиция ва сармоялар ҳақида гап борганда, бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. ... Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир. ... Бу – вилоят, шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджетлари ўсишининг асосий манбаидир. ... Ўтган йили Сирдарё вилоятида маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ташаббуси билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисобидан биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаганини қандай изоҳлаш лозим? Жиззах ва

Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас”¹.

Мамлакатни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсиш тенденциясини сақлаган ҳолда, жамият олдидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни изчил ҳал этиб боришда хизматлар кўрсатиш соҳасини тубдан ривожлантириш, янгилаш, замонавийлаштириш, хизмат кўрсатиш фаолиятининг энг муҳим тамойиллари – тезкорлик, хизматларнинг индивидуаллашуви ҳамда глобаллашув тамойилларини рўёбга чиқаришда ушбу сектордаги инвестиция жараёнларининг фаол иштироки алоҳида амалий аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масаласи мамлакатимизда кейинги йилларда, хусусан, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш, оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатида марказий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида алоҳида тўхталиб ўтади:

“Навбатдаги энг устувор вазифа – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. Ҳолат муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу устувор вазифага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-ҳом ашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

¹ Каримов И. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” //Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 8 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида 2007 йил якунлари, 2008 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузаси “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 9 февраль


Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобил ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”¹.

11-расм

2002-2010 йилларда Наманган вилояти иқтисодиётида жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатлари, фоизларда



2002-2010 йиллар давомида вилоятга жалб қилинган инвестициялар ялпи ҳажми жорий баҳоларда 2002 йилдаги 54344,3 млн. сўмдан, 2004 йилда 88697,3 млн. сўмга, 2006 йилда 127312,5 млн. сўмга, 2008 йилда 298324,2

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49-бет.


млн. сўмга, 2010 йилда эса 554002,2 млн. сўмга кўпайган. Айни пайтда вилоят иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати таҳлил йиллари давомида бир мунча ўзгарувчан характерга эга бўлиб, ўсиш суръати агар 2002 йилда 100,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 95,5 фоизни, 2006 йилда 100,4 фоизни, 2007 йилда 144,0 фоизни, 2008 йилда 118,9 фоизни, 2009 йилда 139,0 ва 2010 йилда 103,9 фоизни ташкил этган (11-расм).

Йиллар бўйича жалб қилинган инвестиция ҳажмининг бу каби нобарқарор ўсиш суръатига давлатнинг минтақавий сиёсати, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-1072-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги “Наманган вилояти саноатининг индустриал салоҳиятини ривожлантириш, Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3215 сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012-йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 246-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги “2010 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1213-сонли

карорига асосан “Наманган шаҳар оқава сувларни тозалаш иншоотини кенгайтириш” лойиҳаси кабилар бевосита ўз таъсирини ўтказган.

12-расм

2005-2010 йилларда Наманган вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқ гуруҳлари бўйича таҳлили, млн. сўм



Вилоят иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқлар гуруҳлари кесими 2005-2010 йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар секторларига йўналтирилган инвестициялар ҳажми нисбати таҳлилга тортилган йилларда бир мунча кескин ўзгаришларга асосланишини кузатиш мумкин. Чунончи, 2007 йилгача бўлган даврда тармоқ кесимида хизматлар сектори жалб қилинган инвестициялар ҳажмидаги улушига кўра устунликка эга бўлиб, унинг нисбати 2005 йилда 59,8 фоизни, 2006 йилда 58,6 фоизни ва 2007 йилда 50,2 фоизни ташкил қилган. 2008-2009 йилларда юқори нисбат аксинча, моддий

ишлаб чиқариш тармоқлари гуруҳига тегишли бўлиб, бу йилларда хизматлар секторининг жалб қилинган инвестициялардаги улуши 45,9 (2008 й.) ва 35,8 (2009 й.) фоизга тенг бўлган. Бу ҳолатни 2008-2009 йилларда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар Дастури негизида реал сектор тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ мажмуавий чора-тадбирлар билан изоҳлаш мумкин бўлади. 2010 йилга келиб эса, яна хизматлар секторига йўналтирилган инвестициялар ҳажми кескин кўпайиб, секторнинг жами инвестициялардаги улуши 66,0 фоизни ташкил қилди (12-расм).

Кейинги йилларда вилоят хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилаётган инвестицион жараёнлар фаоллигини бир неча жиҳатлар билан асослаш мумкин. Чунончи,

Биринчидан, мустақиллик йилларида давлат томонидан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб келинаётган миллий дастурлари вазибаларининг Наманган вилоятида ҳам бажарилиб келинаётганлиги. Бу борада, энг йирик дастурлар жумласига ўтган 90-йиллар иккинчи яримидан амалга киритилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш дастури, 2004 йилдан амалга жорий қилина бошланган умумтаълим миллий дастури, шунингдек, кутубхоначилик тизимини ислоҳ қилиш ва ахборот-ресурс марказларини ривожлантириш, болалар спортини ривожлантириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш билан боғлиқ ҳукумат қарорлари ижросини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Иккинчидан, мамлакат мустақиллигининг ўтган даври мобайнида минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётни яхлит хўжалик даражасида ривожлантириш, минтақалар табиий ресурсларининг иқтисодиётга самарали сафарбарлигига эришиш, қолаверса, минтақа ва миллий иқтисодиётнинг халқаро ва минтақавий бозорларга чиқиши имкониятларини кенгайтириш мақсадида транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш, автомобил ва темир йўл

тизимини замонавийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар. Бу борада, Навоий-Учқудуқ-Султон Увайс-Нукус ҳамда Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлларининг қурилиши, Халқаро аҳамиятдаги Тошкент-Андижон-Ўш-Эркаштом автомобил йўли мажмуасининг барпо этилиши, қувур транспортида йирик магистрал газ қувурларининг барпо этилиши (халқаро ва миллий миқёсдаги) кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Бундай йирик миқёсдаги транспорт тизимларининг барпо этилиши бир томондан транспорт хизматини такомиллаштириш имкониятини берса, иккинчи томондан, ҳосил бўлган транспорт тугунларида ижтимоий-маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмаларининг вужудга келишига кучли туртки берди.

Учинчидан, давлатнинг мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган минтақавий сиёсати самараси. Бу борада биргина 2009 йилнинг июль-август ойларида ҳукумат томонидан Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги “Наманган вилояти саноатининг индустриал салоҳиятини ривожлантириш, Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3215 сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012-йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 246-сонли қарорини кўрсатиш мумкин.

Тўртинчидан, иқтисодиёт алоҳида тармоқларини ривожлантиришга қаратилган тармоқлар дастурлари ва уларнинг минтақалардаги ижроси. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги

“Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли ҳамда 2007 йил 21 майдаги “2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли қарорлари хизмат кўрсатиш соҳаларига катта ҳажмдаги инвестиция ресурслари жалб қилинишида ўзига хос ўрин тутади.

6-жадвал

2006-2010 йилларда Наманган вилояти хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилинган инвестициялар, млрд. сўм

Туманлар	Ўзлаштирилган инвестиция, млрд. сўм	Шу жумладан манбалар бўйича			Яратилган иш ўринлари
		Хорижий сармоялар	Кредит манбалари	Таъсисчилар маблағлари	
Наманган ш.	1277,9	869,8	81,4	326,7	298
Мингбулоқ	141,6	111,3	9,1	21,2	48
Косонсой	601,8	150,1	300,4	151,3	184
Наманган	928,3	218,4	596,8	113,1	162
Норин	501,6	101,6	300,0	100,0	118
Поп	193,0	127,6	65,4	-	101
Тўрақўрғон	512,4	116,5	358,2	37,7	215
Уйчи	556,7	207,6	349,1	-	118
Учкўрғон	172,5	172,5	-	-	117
Чортоқ	126,6	-	47,8	78,8	89
Чуст	508,3	137,3	339,6	31,4	215
Янгиқўрғон	151,1	151,1	-	-	106
Жами	5671,8	2363,8	2447,8	860,2	1771

Чунончи, “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор асосида ишлаб чиқилган “Наманган вилоятида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури” ижроси бўйича мазкур секторда ушбу йиллар давомида жами 5,7 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, айти пайтда унинг 41,7 фоизи хорижий сармоядорлар ҳисобига, 43,2 фоизи кредит манбалари воситасида, қолган 15,1 фоизи хўжалик субъектлари ўз маблағлари воситасида амалга оширилган. Дастур ижроси натижасида 1771 та иш ўрни яратилган (6-жадвал).

Хизматлар соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар ички тармоқ таркибида асосий йўналиш чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, таъминот, техник хизмат ва қисман меҳмонхона хизматлари кенг ўрин эгаллаган. Чунончи, биргина 2009 йилнинг ўзида Жумладан, 509 та чакана савдо, 80 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 155 та сартарошхона, 84 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш, 55 та умумий овқатланиш корхонаси, 9 та мактаб буфетлар, 31 та суратхона, 9 та ҳаммом ва 236 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шахобчалари фойдаланишга топширилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра секторга жалб қилинган инвестицияларнинг ҳудудий бирликлар бўйича кесимида Наманган шаҳри (22,5 %), Наманган тумани (16,4 %), Косонсой (10,6 %), Уйчи (9,8 %), Тўрақўрғон (9,0 %) ҳамда Чуст (9,0 %) туманлари етакчилик қилади. Буни улардаги аҳоли сони (Наманган шаҳри, Чуст ва Косонсой туманлари), транспорт йўлагидаги жойлашганлиги ва вилоят маркази Наманган шаҳри билан туташ ҳолда, унинг аҳолиси ва хўжалик тузилмаларига хизмат кўрсатишга ихтисослашуви (Наманган, Уйчи ва Тўрақўрғон туманлари) ҳамда вилоят маркази ва агломерациянинг бош шаҳри (Наманган шаҳри) сифатидаги мавқелари билан изоҳлаш мумкин.

III. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

III.1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кутилаётган муҳим мақсадлардан бири – аҳоли моддий фаровонлигини оширишдир. “Аҳолининг моддий фаровонлиги мураккаб ва серқирра кўрсаткич бўлиб, у бир неча шарт-шароит ва омилларга, жумладан, аҳоли пул даромадларининг ошишига ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг хизмат турлари ва сифатига ҳам боғлиқ. Таъкидлаш зарурки, республикада амалга оширилган давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни натижасида тадбиркорликнинг ҳар хил турлари вужудга келмоқда ва уларнинг аксарият қисми хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатмоқда”¹.

Дарҳақиқат, иқтисодий фаолиятнинг бугунги кифасини хизматлар кўрсатиш тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу магистрлик диссертацияси биринчи бобда таъкидланганидек, Бутунжаҳон савдо ташкилоти классификациясида хизматларнинг 160 дан ортиқ тури белгиланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Хизматлар секторининг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётдаги аҳамияти ҳақида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ўзининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурларини қайта кўриб чиқиш, зарур тузатишлар киритиш ва жадал амалга ошириш бўйича билдирган чора-тадбирлар

¹ Сафаева С. Иқтисодни модернизациялаш шароитида ресторан хизматлари сифатини бошқариш. – Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2008 йил, № 2 (129). 62-бет.

каторида шундай таъкидлайди: “... аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди.

Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди”¹.

Айни пайтда мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш соҳасида кечаётган ислохотлар қуйидаги мақсадларни кўзлайдики, улар ўз навбатида тармоқдаги мавжуд муайян муаммолар ечимини камраб олади:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш секторининг иқтисодий фаолият шакли сифатидаги ролини тубдан ошириш. Иқтисодий амалиётда хизматлар соҳасига “учинчи сектор” деб берилиши, гўёки, унинг иқтисодий фаолият тизимидаги эгаллаган мавқеини кўрсатади. Унга бундай муносабат тармоқнинг “иккинчи номи” – инфратузилма тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Маълумки, “инфратузилма” сўзи “қуйи, ички тузилма” маъносини беради. Аслида хизмат кўрсатиш секторининг мавқеини бу каби қуйи ўринда кўриш мақсадга мувофиқ эмас, ҳатто хато ҳамдир. Чунки, “бирламчи сектор” – тоғ-кон ёки ундирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳам, “иккиламчи сектор” – қайта ишлаш саноати ҳам ўзларига хизмат қилувчи қуйи тузилмалар – хизматларсиз ўз фаолиятларини амалга ошира олмайдилар. Қолаверса, бу масаланинг муаммоли жиҳатлари – аввало, тармоқда кечадиган иқтисодий муносабатлар ва жараёнларнинг ўзига хослиги, иккинчи томондан, ҳисоб тизимининг мураккаблиги, учинчи томондан, фаолият пировардида бевосита моддий қийматнинг яратилмаслиги кабилар билан ҳам изоҳланади. Биргина мисол, сўнгги йилларда республикаимиз статистикаси ҳисобга олишнинг

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якуналари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Манбаа: <http://www.uzssgzt.uz>

аниқроқ усулларига ўтмоқда. Лекин таъкидлаш лозимки, миллий статистика тизими маълумотларида фақат пуллик хизматлар, қисман маиший хизмат ва чакана савдо ҳажми кўрсатилган холос. Алоҳида сервис тизими бўйича маълумотлар келтирилмаган. Бу ўз навбатида сервис фаолиятининг пировард иқтисодий самарасини аниқлашни қийинлаштиради. Натижада тадқиқотчилар сон кўрсаткичлари эмас, балки, билвосита маълумотлар асосида сифат баҳосини беришга ҳаракат қиладилар. Бу муаммонинг ечими бизнингча, қуйидаги бир қатор йўналишдаги тадбирларда гавдаланади:

- хизмат кўрсатиш секторидаги ички ва тармоқлараро ҳисоб ва ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш, зеро, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб ярими (2010 йилда 49 фоиз) мазкур сектор ҳиссасига тўғри келар экан, миллий ҳисобчилик тизимида ҳам унинг мавқеини етарли даражада таъминлаш мақсадга мувофиқ;
- иқтисодий фаолият турлари классификациясида хизмат кўрсатиш турлари таснифини аниқлаштириш, кенгайтириш лозим. Чунки, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари изчил кузатилаётган бугунги кунда, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт фаровонлиги ҳам муттасил ўсиб бормоқдаки, бу, эҳтиёжлар юксалиши ҳамда бозор тўйиниши қонуниятларига мос тарзда, бир вақтнинг ўзида ҳам хизматларнинг янгидан-янги турлари вужудга келишига, ҳам хизматларнинг тўхтовсиз индивидуаллашувига олиб келади. Биргина мисол, ҳозирга қадар, таълим хизматлари таркибида ҳисобланиши лозим бўлган репетиторлик хизмати, молиявий хизматлар таркибидаги венчур хизмати кабилар ўзларининг ҳуқуқий асосига эга эмас;
- хизматлар бозорининг истиқболида интеллектуал хизматлар – фан ва инновацион фаолият соҳалари катта салоҳиятга эгаллиги яхши маълум. Лекин, ҳозирги мавжуд интеллектуал хизматлар бозори талаб даражасида эмас. Интеллектуал хизматлар, чунончи, инновацион ишланмалар, ноу-хоулар, бизнес ғоялар бозори ғоят тор йўналишда

бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ҳали бу бозорга истеъмолчи сифатида кириб келмаган.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг моддий-техник ва инвестицион асосларини такомиллаштириш давр талабидир. Бу борадаги энг катта муаммолардан бири – хизмат кўрсатиш соҳаларининг кредит бозорида етарли имкониятга эга эмаслигидир. Чунки, моддий ишлаб чиқариш сектори кредит жалб қилиш тизимида кафолат учун катта имкониятга эга. Яъни, кредит муассасалари талаб қиладиган кафолат учун моддий қийматлар етарли даражада. Чунки уларда, олинган кредит учун кафолат тариқасида нафақат асосий фондлар, ердан ташқари ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам қабул қилиниши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу имконият айрим турдаги хизматлар соҳаларида ҳам мавжуд, лекин, индивидуаллашувга мойил хизмат турлари бундан мустасно.

Бу борада қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- хизмат кўрсатиш соҳалари учун, жумладан, ноанъанавий хизмат турлари учун имтиёзли кредит портфелларини жорий этиш;
- кредит учун гаров тизимини соддалаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳозирда кам қийматли кредит пакетлари учун қўлланилаётган учинчи томоннинг кафолат хати амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ, чунки, хизмат соҳаларида ҳам одатда паст ва ўрта қийматли кредитлар талаб этилади;
- ноанъанавий хизматлар, жумладан, инновацион, венчур ва бошқа бир қатор бозор хизматларини кредитлаш учун махсус фондлар, инвестиция институтларини ташкил этиш. Бу орқали, айтиб бериш керак, вақтнинг ўзида молиявий хизматлар тизимини ҳам ривожлантириш имконияти юзага келади.

Учинчидан, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва изчил ривожлантириш соҳа истиқболида ўзига хос роль ўйнайди. Агар

бугунги кунда Наманган вилоятидаги мавжуд касб-хунар коллежлари ихтисослик таркибини кузатадиган бўлсак, мавжуд хизмат кўрсатиш соҳалари учун персонал тайёрлайдиган муассасаларда ҳанузгача анъанавий йўналишлардаги ихтисосликлар устунлик қилади. Жумладан, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари, тикувчилик, техник хизмат кўрсатиш ва шу кабилар. Лекин, банк, биржа, брокерлик идоралари учун, ресторан ва меҳмонхона хўжаликлари учун, шаҳар коммунал хўжалиги учун, офисларда иш юритувчилик, уй хизматлари каби соҳалар учун кадрлар тайёрлаш етарли даражада эмас. Мавжуд 3 та олий таълим муассасаларининг бирортасида ҳам хизматлар соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланмайди.

Бу борада қуйидагилар таклиф этилади:

- вилоятдаги хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг фаолият йўналишлари, истиқболлари чуқур таҳлил қилинган ҳолда, касб-хунар коллежлари ихтисосликлари тўлиқ қайта кўриб чиқилиши лозим;
- соҳалар бўйича ёш мутахассисларни ишга жалб қилиш, бунда, тегишли лавозимларга қўйиладиган талаб ва мезон даражасини эркинлаштириш лозим. Масалан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тор мутахассисликдаги олий маълумотли кадрларнинг етишмаслиги, ўрта махсус маълумот даражасига эга кадрларни ишга қабул қилиш заруриятини тақозо этади. Лекин, давлат идораларида, таълим муассасаларида, банк ва бошқа муассасаларда фақат олий маълумотли мутахассислар ишга қабул қилиш анъанаси ҳанузгача сақланиб қолмоқда;
- таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар тизимини ҳамда ўқув жараёнини ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, хизматлар сектори учун қулай тадбиркорлик муҳитини қарор топтириш энг устувор характердаги йўналишлардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-

иҳтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “... мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор”¹.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хизмат кўрсатиш соҳалари учун қулай тадбиркорлик муҳитини ташкиллаш ғоят кенг тушунча бўлиб, ўз ичига юқорида санаб ўтилган барча муаммолар ечимларини қамраб олади. Қулай тадбиркорлик муҳити хизмат кўрсатувчи субъектларда ташаббускорлик, новаторлик, ташкилотчилик руҳиятини оширади, уларда рағбат ҳиссини кўтаради. Бу борада ўз навбатида қуйидагилар таклиф этилади:

- фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ҳар бир хизмат тури учун зарурий шарт-шароитлар – молиявий (кредит ресурслари), моддий-техник (инвестициялар, замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, бино ва иншоотлар), инфратузилмавий (транспорт, логистик, тайёрлов, маркетинг, малакали персонал, бошқарув, ишбилармонлик ва бошқ.) базани яратиш;

¹ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. // 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иҳтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь.

- давлат ҳокимияти ва назорат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувини тартибга солиш ва шу орқали иқтисодийни либераллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ва бошқ.

Бешинчидан, хизматлар секторини ривожлантиришда минтақавий ва маҳаллий шарт-шароитлар, имкониятлар ҳисобга олиниши лозим. Бугунги кунда ҳам, айрим ҳолларда, раҳбар ходимлардаги ташаббуснинг етишмаслиги боис, жойларда аҳоли тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмай қолмоқда. Масалага Наманган вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, вилоятда туризм, экскурсия, рекреацион, меҳмонхона, реклама, маркетинг, консалтинг хизматлари, халқ хунармандчилиги ва бадиий санъатига асосланган ижтимоий-маданий хизматлар сервис сектори бозорида ҳозирча ўз муносиб ўрнини топа олган дейиш қийин кечади.

Бу борада қуйидагилар таклиф этилади:

- вилоятнинг тарихий-археологик (Тўрақўрғон, Чуст, Косонсой, Учқўрғон, Поп, Наманган шаҳри), табиий-рекреацион (Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Поп, Чортоқ) ресурслари тўлиқ ўрганилиб, улар асосида туризм, экскурсия, меҳмонхона, ижтимоий-маданий хизматларни ривожлантириш. Чунончи, тарихий даврлар асосида археологик обидалар бўйича, табиат (экологик) ландшафтлари бўйича экскурсия маршрутларини ташкил этиш, айтиш чоғда, бундай тадбирларда қўшни Андижон ва Фарғона вилоятидан ҳамкорлар изаб топиш ва бошқалар;
- миллий, шу жумладан, маҳаллий инвесторлар эътиборини тортиш мақсадида, корхоналар, хўжалик фаолияти соҳалари истиқболлари, улардаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш мақсадида консалтинг (жумладан, ахборот-таҳлид) хизмати тузилмаларини ташкил этиш;

- вилоят аҳолиси ўртасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг реализациясига эришиш мақсадида реклама агентликлари ишини такомиллаштириш ва бошқ.

Олтинчидан, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари фаолиятини янада ривожлантириш соҳасидаги маҳаллий давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш лозим. Бу борадаги энг катта муаммо, хизматлар таркибининг анъанавийлиги, уларда технологик юксалишнинг ҳамда хизмат кўрсатишдаги индивидуаллашув жараёнларининг суст кетаётганлигидир. Бу борада вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз дастурларида юқоридаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари тақозо этилади.

Юқорида саналган муаммолар ва улар ечимлари бўйича таклифлар шубҳасиз, хизматлар секторининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ролини янада оширади ва соҳадаги мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқариш имкониятини беради.

III.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш дастури ва унинг таҳлили

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш моҳиятан Ўзбекистоннинг жамият ҳаётини янгилашга қаратилган кўп босқичли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда ўзига хос муҳим бўғинни эгаллайди. Бу икки тушунча мамлакат ижтимоий ҳаётида бир вақтнинг ўзида барча йўналишлар ва жабҳаларда ўз амалий тадбиғини топмоғи лозим. Айниқса бу тушунчаларнинг бутун мамлакат иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш, унинг иқтисодиётга сафарбарлиги даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимида аҳамияти алоҳида долзарблик касб этиб, бу эса энг аввало, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ миллий сиёсатни тубдан такомиллаштиришни, бу борада изчил

дастурий ёндошувни тақозо қилади. Айни шу ҳолат Ўзбекистон Президентининг қатор йиллардан буён мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган маърузаларида кўп бора таъкидланиб келинади. Жумладан, мамлакатимиз Президенти 2007 йил 12 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган маърузасида қишлоқ жойларини ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтиб ўтган эди: “Бу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси 2007-2011 йилларга белгиланган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган ягона дастур ишлаб чиқиши зарур. Унда қишлоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун тегишли тадбирлар, шу жумладан, молиявий омиллар ва солиқ имтиёзлари кўзда тутилиши лозим”¹.

Айни шу маърузасида мамлакатимиз раҳбари юқорида таъкидланган дастурларни ишлаб чиқишда асосий масъулият минтақавий тузилмалар зиммасида бўлишлигини таъкидладилар: “Бу дастур ҳақида гапирганда, ҳокимларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Нима учун баъзи вилоятлар қишлоққа саноатни олиб киришда сезиларли натижаларга эришяпти-ю, баъзилар бу масалада оқсаяпти?”²

Албатта, бугунги кунда мамлакатимиз минтақаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида қатор ижобий натижалар кўлга киритилмоқда. Бунинг пировардида 2007 йилда мамлакат ЯИМ 9,5 фоизга ўсишга эришди. Албатта бу борада ҳар бир минтақанинг ўзига хос ўрни бор. Лекин шу билан бирга, минтақалар иқтисодий салоҳиятининг тўлақонли фойдаланиш, улар сафарбарлигини ошириш борасида қилинадиган ишлар ғоят кўпки, уларнинг амалга оширилишида изчил ишлаб чиқилган дастурларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир. //2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. – Наманган, “Наманган ҳақиқати” газетаси, 2007 йил, 14 февраль. 13(18281)-сон.

² Ўша жойда.

Жамият ишлаб чиқаришининг фаолият юритиш жараёнида хўжаликни бошқаришнинг етакчи бўғини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури хисобланади. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва бутун миллий иқтисодиёт самарадорлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан айнан шундай дастурларнинг қанчалик пухталиги, мукамаллиги ва техник, ижтимоий-иқтисодий асосланганлигига боғлиқ.

Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиши тизими, таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда сезиларли суръатларда сифат жиҳатдан такомиллашди. Хусусан, бугунги кунда вилоятда минтақавий ривожланиш дастурлари ҳам тармоқ таркиб бўйича, ҳам ҳудудий, яъни, вилоят ҳудудий бирликлари бўйича (туманлар бўйича) ишлаб чиқиладиганлиги, шу билан бирга, мамлакат даражасида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (2009-2012 йилларда Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор дастурлар бунга яққол мисол бўлади) дастурларининг мавжудлиги диққатга сазавор.

Лекин шу билан биргаликда, минтақавий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш тизимида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан,

- минтақавий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ҳанузга қадар фақат миқдорий ўсишга эришишни акс эттириш билан чекланиб қолинаётганлиги;

- минтақавий ривожланишда асосий мезон сифатида маъмурий-худудий бирликларнинг асос сифатида олинishi. Ваҳоланки, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, шу жумладан, хўжалик муносабатлари аксарият ҳолларда маъмурий-худудий бирликлар чегарасидан ташқари омиллар таъсирига ҳам учрайди. Жумладан, Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда Фарғона вилояти Қўқон гуруҳи туманлари ҳамда Тошкент

вилоятининг тоғ олди туманлари ижтимоий-иқтисодий вазиятини эътиборга олиш тақозо қилинади. Худди шундай, Норин туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда кўшни Андижон вилояти айрим туманлари ҳолати эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Наманган вилояти бўйича тузиладиган дастурларда кўшни вилоятлар ҳамда чегарадош мамлакатлар – Қирғизистон ва Тожикистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳисобга олинмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз;

- минтақавий ривожланиш дастурларини минтақанинг тармоқ таркиби ва уларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда асосан муайян тармоқ камрови билан чегараланиб қолинган. Масалан, саноатни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларда вилоятда истиқбол даврда қанча саноат корхоналари барпо этилиши, улардаги ишлаб чиқариш қувватлари, яратиладиган иш ўринлари ҳамда лойиҳани молиялаштириш манбалари ўз аксини топгани ҳолда, хом ашё таъминоти, маҳсулотни реализация қилиш масалалари, бозорлар конъюктураси, нарх динамикаси, саноатнинг қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва коммуникация, қурилиш тармоқлари билан алоқаси акс эттирилмаган. Бу ҳолат дастурларнинг тўлақонли ва кенг қамровлилигига салбий таъсири кўрсатади;

- минтақавий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда техник-иқтисодий экспертиза умуман кўзда тутилмаяпти. Бу ҳолат дастурлар ишлаб чиқишнинг кенг қамровлилик, мукамаллик, илмий асосланганлик тамойилига риоя қилинмаслигига олиб келмоқда ва пировардда дастурларда юзаки ёндошув кузатилади.

Мазкур магистрлик диссертацияси таҳлиliga тортилган “Наманган вилоятида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури” ҳам ўзида юқоридаги муаммоли жиҳатларни тавсиф этади. Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-

2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли Қарори ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг юқоридаги қарорнинг вилоятдаги ижросини таъминлаш билан боғлиқ 112-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Дастур асосан 3 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Наманган вилоятида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, унда 15 гуруҳдаги хизмат кўрсатиш тармоқларининг истиқбол йўналишлари кўрсатиб берилган.

Дастурнинг 2-қисмида 2006-2010 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси келтирилган. Бу қисм ўз мазмунига кўра, дастурнинг кейинги қисмларида белгиланган параметрларни умумлаштиради. Унга кўра, дастур доирасида 61 та савдо, 51 умумий овқатланиш, 8 та мактаб (касб-хунар коллежлари) ошхонаси шохобчалари, 6 та улгуржи таъминот корхоналари, 8 та маҳалла гузарлари савдо-маиший мажмуалари ташкил этилиши, шунингдек, бошқа хизмат турларини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тавсифланган.

Дастурнинг учинчи қисмида хизмат кўрсатиш соҳаларининг дастур қамраб олган йиллар давомида ривожланиш параметрлари миқдорий кўрсаткичлари ҳамда хизмат кўрсатишнинг моддий-техник базасини яратиш бўйича инвестиция дастурларининг манзилли рўйхати ҳавола қилинган. Лекин мазкур манзилли рўйхатда фақат 115 та объектнинг инвестицион кўрсаткичлари ва манбалари келтирилган холос.

Дастур таҳлили бўйича икки томонлама, яъни, дастурнинг ижобий ва ютуқ томонлари ҳамда заиф томонлари ҳақида хулоса билдириш мумкин. Чунончи, дастурда эришилган **ижобий жиҳатларга** қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. дастур кенг қамровли характерга эга бўлиб, унда тармоқнинг ҳам ички тармоқ тузилмалар, ҳам ҳудудий тузилмалар бўйича ривожлантирилиши билан боғлиқ параметрлар ўз аксини топган;

2. дастурда қамраб олинган вақт қулай давр оралиғига эга. Яъни 5 йилнинг танлаб олиниши бир томондан, уни амалга ошириш учун реал тадбирларни белгилаб олиш имконини берса, иккинчи томондан, дастур ижросини таҳлил қилиш, статистик ўрганиш ва шу асосда яқин истиқболни прогнозлаш имконини бера олади;

3. дастурда вилоят иқтисодиёти учун хос бўлган энг заиф жиҳатлардан бири – қишлоқ жойларида ҳам хизмат соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирларининг ишлаб чиқилганлигидир. Бу айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, алоқа-коммуникация, электрон алоқа хизмати, транспорт, қишлоқ хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш тармоқлари, лизинг, банк ва суғурта хизматларини ривожлантириш параметрларида яққол кузатилади;

4. дастурни ишлаб чиқишда вилоят иқтисодиётининг республика ва кўшни вилоятлар иқтисодиёти, ривожланиш параметрлари билан уйғунлашув кузатилади. Бу айниқса, темир йўл, ҳаво ва автомобил транспортини ривожлантириш билан боғлиқ кўрсаткичларда яққол кузатилади. Бу юқоридагилардан ташқари вилоятда республика ягона логистик тизимининг ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш масаласида кузатилади;

5. мазкур дастур фақат хизмат кўрсатиш субъектлари сонини кўпайтириш, улар оборотини ва хизмат сифатини оширишдан ташқари, иқтисодий муносабатларнинг иккинчи томони – истеъмол манфаатларини ҳам маълум даражада ҳисобга олган. Жумладан, вилоятда дастур ижроси доирасида истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 13 та маслаҳат тармоқларини, ўлчов асбобларини ўрнатиш, таъмирлаш ва алмаштириш бўйича 17 сервис марказларини, 19 та том, уй ичи муҳандислик

коммуникациялари, подъезд ва уй фасадларини таъмирлаш марказларини ташкил этиш кўзда тутилган;

6. фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатишнинг моддий-техник базасини яратишнинг инвестиция дастурлари манзилли рўйхатининг ишлаб чиқилганлиги ва бошқалар.

Дастурда қуйидаги заиф қирралар ҳам кузатиладики, бу ўз навбатида дастур айрим параметрларининг амалга ошмаслигига сабаб бўлганлиги шубҳасиз. Жумладан,

1. дастурда ишлаб чиқилган параметрлар фақат хизматлар соҳасига тегишли бўлиб, тармоқлараро ўзаро алоқадорлик ва интеграция мутлақо ҳисобга олинмаган. Чунончи, хизмат кўрсатиш соҳалари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, кадрлар тайёрлаш, молиявий ресурсларнинг шакллантирилиши, сарфланган маблағлар қайтими ва ҳақозолар эътибордан четда қолган;

2. дастур қамраб олган даврда вилоятнинг бошқа макроиктисодий кўрсаткичлари, жумладан, иктисодий ўсиш суръати, аҳоли сонининг ўсиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, аҳолининг ёш ва жинс таркиби, миграцион оқими, ишсизлик даражаси, инфляция суръати, техник тараққиёт ва асосий воситалар эскириши, хизматлар бозорининг такомиллашуви – янги хизмат турларининг вужудга келиши, хизматлар индивидуаллашуви ва бошқалар ҳисобга олинмаган ва улар прогнози ишлаб чиқилмаган;

3. дастурда белгиланган тадбирлар бошқарувнинг анъанавий услублари асосида, яъни, бош муассаса (масалан, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари учун “Матлуботсавдо” акциядорлик компаниясининг, “Маҳалла” жамғармасининг, транспорт хизматида “Ўзавтодарёётранс” вилоят бўлимининг, алоқа-коммуникация тармоқларида алоқа ва ахборотлаштириш бошқармаси, “Намангантелеком” корхонасининг ва бошқа шу кабиларнинг масъуллиги) ҳамда туман ҳокимликларининг масъул қилиб белгиланиши. Ваҳоланки, дастурда кўшимча бюджет маблағлари

ажратилмаслиги, сарфланадиган молиявий ресурслар яримидан ортигининг корхоналар ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган;

4. дастурни ишлаб чиқишда демографик ва макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларидан ташқари, тармоқлар ва фаолият турларининг иқтисодий самарадорлиги прогнозлари ҳам эътиборга олинмаган. Чунончи, ҳозирги кунда Фарғона водийси темир йўл транспорти берк халқа характериға эға бўлиб қолган. Бунға сабаб, кўшни Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий беқарорлик, иқтисодий вазиятнинг ноқулайлиги ва айна пайтда, транзит юклар ва йўлов ташиш хавфсизлигининг кафолатланмаганлигидир. Бу вазият Тожикистонда бир ёки икки йил олдин эмас, балки, бир неча йиллардан буён давом этиб келмоқда. Бизнингча, дастурни ишлаб чиқишда бу каби омиллар албатта ҳисобға олинмоғи шарт;

5. дастурни ишлаб чиқишда вилоят иқтисодиётининг республика ва кўшни вилоятлар иқтисодиёти, ривожланиш параметрлари билан уйғунлашувига тўғри ва холисона баҳо берилмаганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, Ангрэн-Поп йўналиши бўйича темир йўл қурилиши режалаштирилган ва бу лойиҳани амалға ошириш учун атиги 2 йил вақт ажратилган. Ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 1600-1800 метр бўлган Қамчиқ довонидан темир йўл ўтказилиши анча мураккаб ва бир мунча узоқ чўзиладиган лойиҳадир. Қолаверса, маълумки, дастур ишлаб чиқилган ва амалға киритилган даврда бу каби улкан қурилиш республиканинг бошқа минтақасида – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилаётганди (Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли). Яъни, ушбу параметрларни ишлаб чиқишда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК инвестицион дастури билан уйғунлик кўзға ташланмайди;

6. Айрим хизмат турлари ва уларда фаолият кўрсатувчи йирик субъектлар иштироки эътибордан четда қолган. Масалан, суғурта хизматларини ривожлантириш тадбирларида фақат вилоят молия

бошқармаси, “Ўзагросуғурта” ДАСК ва “Кафолат” ДАСК Наманган вилоят бўлимлари иштироки таъкидланган холос. Шунингдек, дастурнинг шу қисмида суғурта турлари сони 3,3 марта оширилиши таъкидлангани ҳолда, қайси турлар ёки фаолият ҳисобига амалга оширилиши кўрсатилмаган, фақат суғурта бадаллари ҳажми 2006 йилдаги 552 млн. сўмдан 2010 йилда 1167,1 млн. сўмга ёки 2,1 ўсиши баён қилинган. Бу ерда ҳам на инфляция суръати, на мижозлар сони ўсиши ва унинг қайси манба (суғурта хизматига тортиладиган жисоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари сонинг ўсиши ва бошқ.) ҳисобига ўсиши ўз аксини топмаган. Худди шундай вазият банк хизматлари қисмида ҳам яққол кузатилади.

Лекин шундай бўлсада, мазкур дастур ўз ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга кўра инқирозгача бўлган даврда ишлаб чиқилган бошқа дастурлардан кескин фарқланади ва сезиларли даражада сифат ўзгаришларига эга ҳисобланади.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг реализацияси бўйича қуйидаги таклифларни билдириш мумкин:

1. ишлаб чиқиладиган дастурларда ҳудудий ва соҳавий алоқадорлик ҳамда тармоқлараро ва минтақалараро уйғунлик ўз аксини топмоғи лозим;
2. Ишлаб чиқилган дастурлар мутахассислар томонидан, айниқса, биринчи галда, банк-молия мутахассислари, илмий ходимлар томонидан экспертизадан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.
3. Ишлаб чиқилган дастурлар ҳимоя қилиниши зарур, деган таклифни билдирамиз. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги қошида махсус кенгаш тузиш ҳамда дастурлар ана шу кенгашда ҳимоя қилиниб, асосланиши дастурлар самарадорлигини таъминлашда амалий аҳамият касб этади;
4. Ишлаб чиқиладиган дастурлар муддатларини ҳам кўриб чиқиш, бунда ресурслар, айниқса, молиявий ресурслар билан таъминланишини

этиборга олган ҳолда энг қулай бўлган муддатни танлаш лозим. Айрим соҳалар бўйича 1 йиллик, айримлар бўйича 2 ёки 3 йиллик дастурлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ эмас;

5. Қабул қилинган дастурлар ижроси қатъий назорат остига олиниши бунда юқоридаги кенгаш иштирокини таъминлаш ижобий натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

III.3. Наманган вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболи

Мамлакатни модернизациялаш даврида иқтисодиёт тармоқ таркибини минтақалар кесимида ташкил этиш ва ривожлантириш иқтисодий сиёсат соҳасида стратегик аҳамият касб этиб, бу борада мамлакат Президенти ўзининг 2010 йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида шундай таъкидлайди: “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хом ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда ...

... Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”¹.

Албатта, бу борада Президент маърузасида иқтисодиёт реал сектор тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин, айти пайтда мамлакат раҳбари юқорида белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш борасида хизматлар сектори ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади: “Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор.

Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир”².

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши истиқболлари масаласи ҳам, айтиш жоизки, юқори давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ечимида гавдаланади. Вилоятда бугунги кунда хизматлар секторини ташкил этиш ва ривожлантиришга бир неча йўналишдаги ёндошувни кузатиш мумкин. Чунончи,

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларини узлуксиз боғловчи ягона миллий автомобиль транспорт тизимини барпо этиш лойиҳаларининг амалга оширилиб борилиши шароитида Наманган вилоятида ҳам халқаро даражадаги автомобил йўллари, айти пайтда, транспорт каридорлари бўйлаб, техник, маиший, савдо ва умумий овқатланиш хизмати

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

² Ўша жойда.

шаҳобчалари тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Бу борада Президент ўз маърузасида шундай тўхталиб ўтади: “Сизларнинг эътиборингизни яна бир долзарб масалага, яъни Тошкент-Андижон автомобиль йўлининг «Қамчиқ» доғони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратмоқчиман.

Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур”¹.

Иккинчидан, маълумки жорий йилда “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур қабул қилинди. Бундан кўринадики, келажак 4-4,5 йил мамлакатимизда, жумладан, унинг минтақаларида том маънодаги индустриалаштириш даври бўлади. Бу эса ўз навбатида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи сервис соҳалари – транспорт, фан ва илмий-техник, таълим, молиявий, консалтинг, маркетинг, ижтимоий-маиший ва бошқа турдаги хизмат соҳалари учун барқарор талабни шакллантиради. Бу мулоҳазамаизни дастурнинг моддий-молиявий таъминоти ҳақидаги Президентимизнинг қуйидаги фикрлари билан асослашимиз мумкин: “Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё,

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

озик-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади”¹.

Учинчидан, Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, нарх барқарорлигига эришиш ва унинг ташқи омилларга мойиллигини пасайтириш, минтақавий бирликларнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш мақсадида миллий логистика тизимини такомиллаштириш негизида моддий-таъминот соҳасидаги хизматларни изчил ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

2011 йил республика инвестиция дастурига кўра 2010 йилда ташкил этилган Ангрен логистик маркази янада ривожлантирилиб, ушбу логистик марказ орқали “Қамчик” довонидан камида 5 миллион тонна юк ташиш кўзда тутилмоқда. Бу борада дастурда марказнинг контейнерларни қисқа муддатларда қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, янги замонавий транспорт ва махсус техника воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Тўртинчидан, маълумки, Наманган вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги стратегик тармоқлардан ҳисобланади. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш ва интенсив хўжалик юритиш шароитида вилоят агросаноат мажмуасининг истиқболини хизматлар секторисиз тасаввур қилиш қийин. Бу бора “... энг асосий масала бўлмиш замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши”¹ кўзда тутилмоқда.

Бу эса ўз навбатида агросервис соҳалари, жумладан, селекция ва наслчилик хизматлари, агрокимё, агротехник ва мелиорация хизматлари, фан ва таълим хизматларига талабнинг изчил ўсишини кўрсатади.

Бешинчидан, бугун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам хизматлар секторининг янги, ноанъанавий турлари тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Кенг форматли ва оптик технологияли телекоммуникация тармоғининг барпо этилиши алоқа, жумладан, интернет, телефон, телерадио ва почта хизматлари кундалик турмушимизда ўз муносиб ўрнини эгаллаб улгурди.

Бундан ташқари бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ўзига хос бозор инфратузилмалари тизими ривожланишини рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда давлат ўзинг хусусийлаштириш, давлат сектори буюртмаларини тақдим этиш ёки давлат харидини амалга оширишда давлат органларининг бевосита иштирокидан воз кечган ҳолда, ихтисослашган биржалар савдоларидан, брокерлик фирмалари хизматларидан фойдаланмоқда. Бунинг самарасида бир томондан, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, иккинчидан эса, иқтисодиётни либераллаштириш, давлатнинг хўжалик муносабатларига аралашувини сезиларли даражада камайтириш имконияти туғилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги мазкур устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда вилоят учун хос бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

- вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали вилоят молия-иқтисодий барқарорлигини, мустақиллигини таъминлаш;
- хизматлар секторида ресурс айланиши тезлигини инобатга олган ҳолда, хизматлар ҳажмини ошириш орқали пул маблағларининг ички ҳаракатини фаоллаштириш, пул айланмаси ҳажмини ошириш, яъни, аҳоли истеъмол харажатлари ҳажмида вилоят хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар реализацияси улушини кўпайтириш;
- вилоят хўжалигининг ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устивор тармоқ сифатида яқин келажакда ҳам сақланиб қолиниши шароитида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, янги барпо этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг агроинфратузилма хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник, кимёвий ўғитлар, янги ўсимликлар навлари ва ҳайвон насллари таъминотини изчил йўлга қўйиш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш;
- аҳолининг мунтазам бандлигига эришиш, барқарор даромадларга эга бўлиши учун моддий асосни шакллантириш орқали, ташкил этилаётган маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш;

- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали вилоят хўжалик ихтисослашувига йўналтирилган соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш;
- банк, суғурта, лизинг ва бошқа бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш;
- хизмат кўрсатиш тузилмаларига имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;
- маиший ва бошқа анъанавий хизмат турлари, жумладан, савдо, умумий овқатланиш тармоқларини модернизациялаш, уларнинг сифат даражасини ошириш, бу борада айниқса, таъминот ва тайёрлов тизимини шакллантириш ва бошқалар.

ХУЛОСА

“Мамлакатимизни модернизациялаш жараёнида минтакаларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш ва бошқариш (Наманган вилояти мисолида)” мавзусидаги мазкур магистрлик диссертация ишида кўриб чиқилган Наманган вилояти хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларнинг ташкил этилиши, бошқарув ҳамда ривожланиши, тизимга таъсир этувчи омиллар, муаммолар, истикболда ривожлантириш вазифа ва йўналишлари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

Биринчи, хизмат кўрсатиш соҳалари моҳиятан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим мустақил тармоғи бўлиши билан биргаликда уларнинг самарали фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ икки томонлама характерга эга, яъни, бир томондан, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги ҳамда аҳолининг турмуш маданияти ва яшаш шароити даражаларига, узвий боғлиқ ҳисобланса, иккинчи томондан, айти шу иқтисодийнинг реал сектори ҳамда аҳоли турмуш сифатини оширишнинг муҳим таянч бўғини ҳисобланади.

Иккинчи, хизматлар кўрсатиш тизимини самарали ташкил этиш ва бошқариш аҳолининг ижтимоий-маиший турмуш даражасини яхшилаш, бандлик таркибини такомиллаштириш ҳамда хўжалик тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш, ишчи-ходимлар хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир этувчи социал-психологик омилларни рўёбга чиқарувчи – маданий-маиший хизматлар тизимини ривожлантиришни ҳамда сервис сектори иштирокида минтақа иқтисодий фаолиятини диверсификациялашни кўзда тутати.

Учинчи, қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутувчи Наманган вилоятида инфартузилмаларни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий характерга ҳам эга. Бу аввало аҳоли бандлигида муқобил манбааларни вужудга келтириш, аҳоли турмуш даражаси ва маданиятини ошириш тизимида яққол кўзга ташланади.

Тўртинчи, Кейинги йилларда вилоят хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилаётган инвестицион жараёнлар фаоллиги давлат томонидан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб келинаётган миллий дастурлар вазибаларининг Наманган вилоятида ҳам бажарилиб келинаётганлиги, минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий интеграцияни чуқурлашуви, давлатнинг мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган минтақавий сиёсати, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларни ривожлантиришга қаратилган тармоқлар дастурлари ва уларнинг минтақалардаги ижроси самараси каби жиҳатлар билан изоҳланади.

Бешинчи, Мамлакатни модернизациялаш шароитида минтақаларда хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш соҳасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

- хизмат кўрсатиш секторининг иқтисодий фаолият шакли сифатидаги ролининг етарли даражада баҳоланмаслиги;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг моддий-техник ва инвестицион асосларини такомиллаштиришга етарли эътиборнинг қаратилмаганлиги;
- тармоқ учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳар доим ҳам меҳнат бозори талабига мос эмаслиги;
- минтақада хизматлар сектори учун қулай тадбиркорлик муҳитини қарор топтиришда фаолият ташкилий-ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий бўшлиқ элементларининг сақланиб қолинаётганлиги ҳамда хизмат турлари – молиявий, моддий-техник, инфратузилмавий каби зарурий шарт-шароитларнинг талаб даражасида эмаслиги;
- хизматлар секторини ривожлантиришда минтақавий ва маҳаллий шарт-шароитлар, имкониятларнинг ҳар доим ҳам ҳисобга олинмаслиги;
- Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари фаолиятини янада ривожлантириш соҳасидаги маҳаллий давлат сиёсатининг туб ислоҳотларга муҳтожлиги ва бошқ.

Олтинчи, Наманган вилояти молиявий ҳолатининг бир мунча заифлиги, жумладан, бюджети харажатларининг дотацион маблағлар ҳисобига қопланиш ҳолатининг қисман сақланиб қолинаётганлиги, шунингдек, яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 34,1 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келиши нуктаи назаридан туманда инфратузилмаларни ривожлантириш, бу соҳага инвестицион маблағларни жалб қилишда давлат қўллаб-қувватланишига муҳтожлик яққол сезилади.

Еттинчи, юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда, инфратузилмалар фаолиятини ривожлантиришда ҳуқуқий ҳамда ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни юзага келтиришни ҳукумат даражасида қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада бугунги кун нуктаи назаридан мукамал мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириш, инфратузилма субъектларига фаолият йўналишлари ва аҳамияти бўйича имтиёзлар бериш каби чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Саккизинчи, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг реализацияси ҳолати бўйича олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклифларни билдириш мумкин:

- дастурларда тармоқлараро ва минтақалараро уйғунликка эришиш;
- дастурлар илмий-техник, иқтисодий экспертизасини ташкил этиш;
- вилоят ҳокими ҳузурида махсус кенгаш ташкил этиш ва унда дастурлар ҳимоя қилиниши мақсадга мувофиқ;
- дастурлар муддатлари оптимал вақт оралиғида танланиши лозим;
- қабул қилинган дастурлар ижросининг қатъий назоратини йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тўққизинчи, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда вилоят учун хос бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

- вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, шу жумладан, хизматлар соҳасини ривожлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш;
- ташкил этилаётган маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш;
- вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш;
- бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш;
- сектор субъектлари учун имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2006 йил 17 апрель. ПҚ-325-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2007 йил 23 май. ПҚ-640-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида. Тошкент ш., 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”. 2009 йил 12 март. ПҚ-1072-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Наманган вилояти саноатининг индустриал салоҳиятини ривожлантириш, Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”. 2009 йил 6 июль. ПФ-3215-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2009 йил 3 август. ПҚ-1167-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2010 йил Инвестиция дастури тўғрисида”. 2009 йил 28 октябрь ПҚ-1213-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб

- чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”. 2009 йил 14 август. 232-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “2009-2012-йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”. 2009 йил 24 август. 246-сон.
 10. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1993 йил, август. //Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 67-175-бетлар.
 11. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. //Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т., «Ўзбекистон», 2003 й. 16-бет.
 12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т., “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил 29 январь.
 13. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир. //2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. – Наманган., “Наманган ҳақиқати” газетаси, 2007 йил, 14 февраль. 13(18281)-сон.
 14. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир //Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 8 февраль куни

- Вазирлар Маҳкамасида 2007 йил якунлари, 2008 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузаси “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 9 февраль.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 бет.
 16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Манбаа: <http://www.uzssgzt.uz>
 17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ОТБ Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқи. – Т.: 2010 йил 4 май. Манбаа: <http://www.anons.uz>
 18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Манбаа: <http://www.gov.uz>
 19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Манбаа: <http://www.gov.uz>
 20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

- яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь
21. Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1994.
 22. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 1998.
 23. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2010.
 24. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. – М.: изд-во. “Академия”, 1999. Стр.-171.
 25. Гранберг, А.Г. основы региональной экономики: Учебник для вузов. – М.: ГУВШЭ, 2000
 26. Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001. Стр.-235.
 27. Демидова Л.С. Сфера услуг в постиндустриальной экономике. – М.: Журнал «Мировая экономика и международные отношения». 1999, № 2. Стр.-56-61.
 28. Демидова Л. Сфера услуг США: факторы ускорения динамики. – М.: Журнал «Мировая экономика и международные отношения», 2005. № 12. Стр.-34-39.
 29. Европейская модернизация: Кн-1, 2. // Д.Травин, О.Маргания. - М.: ООО Издательство “Тегга fantastica”, 2004. стр.- 665.
 30. Жильцов Е.Н., Казаков В.Н., Восколович Н.А. Экономика сферы платных услуг. // Под редакцией д.э.н., проф. Жильцов Е.Н. – Казань, 1996.
 31. Кликич Л.М. Экономика сферы услуг: проблемы методологии и анализ. –Уфа. БПАУ, 2004.
 32. Ломакин В.К. Мировая экономика: Учебник для вузов. 2-е изд.,

- перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. Стр.-735.
33. Макконнел Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. Стр.-400.
 34. Мешков В.А. Влияние инфраструктуры реального сектора на устойчивое развитие экономики региона // Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. – Ижевск, 2007. Стр.-30.
 35. Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет / Под ред. И.С. Королева. – М.: Юристъ, 2003. Стр.-604.
 36. Наманган вилоятида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури
 37. Николайчук В.Е. Логистика. – СПб.: Питер, 2001. Стр.-160.
 38. Панов А.И. О роли сферы услуг в системе рыночной экономики. Нижегородский коммерческий институт.
 39. Папирян Г.А. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2000.
 40. Рашидов Ж. Техникавий сервис хизмати. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2000 й. № 2, 21-22 б.
 41. Рашидов Ж. Хасанов Б. Сервис корхоналарини қўллаб–қувватлаш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001 й. № 6, 8-9б.
 42. Региональное развитие: опыт России и Европейского Союза // Рук. авт. колл. и отв. ред. А.Г.Гранберг. –М.: ЗАО Изд. "Экономика", 2000. Стр.-435.
 43. Рудый К. Развитие сферы услуг: сущность, роль и перспективы. – Минск. Журнал «Банкаўскі веснік», 2007. № 3. Стр.-12-19.
 44. Саидов А. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида янги иш ўринларини очишнинг асосий йўналишлари. – Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2010 йил, № 10 (161). 48-49-бетлар.
 45. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С. ва бошқ. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув Қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2004. -176 б.

46. Сафаева С. Иқтисодни модернизациялаш шароитида ресторан хизматлари сифатини бошқариш. – Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2008 йил, № 2 (129). 62-бет.
47. Скоробогатова Т.Н. К вопросу о развитии сферы услуг // Культура народов Причерноморья. – 1999. -№8. Стр.-33-35.
48. Скоробогатова Т.Н. Некоторые положения логистической концепции сферы обслуживания населения. – Севастополь, Журнал «Экономика Крыма» 2005. №13. Стр.-16-20.
49. Стрыгин А.В. Мировая экономика: Учебное пособие для вузов / 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство «Экзамен», 2004. Стр.-512.
50. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. Т. 1–3. // Под ред. Ю.В.Свириденко. – М.: 2001.
51. США сфера услуг в экономике / отв. ред. Громов Е.А. – М.: «Наука», 1977 . Стр.-414.
52. Тўйчиев Ш. Сервис соҳаси иқтисодиёти. Маърузалар курси. - Самарқанд 2006.
53. Уотерс Д. Логистика. Управление цепью поставок: Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2003. Стр.-503.
54. Услуги в современной экономике // Отв. ред.- Л.С.Демидова, В.Б.Кондратьев. – М.: ИМЭМО РАН, 2010. Стр.-342.
55. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маърузалар матни. –Т.: 2007. 330 бет.
56. Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2001. Стр.-446.
57. Ходиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.
58. Хохлова С.В. Управление реструктуризацией услуг малого

- предпринимательства крупного города // Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. - Санкт-Петербург, 2007. Стр.-17.
59. Хусанов Р.Х., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. –Т., “Меҳнат”, 2001. -144 б.
60. Чернявский И.Ф. Инфраструктура сельскохозяйственного производства: (Вопросы, теории и практики). – М., Экономика, 1979. Стр.-232.
61. Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодий мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2011. 47 бет.
62. Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойихаси. 2008-2010 йилларда лойихасининг тўлиқ ҳужжати.
63. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, М.: 2005. - 396 бет.
64. Mamatqulov X.M. Turizm infratuzilmasi. Ma’ruzalar kursi. – Samarqand. SamISI. 2009. - 263 бет.
65. Xaydarov M.T. Ashurova D.S. «Iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishni prognozlashtirish» – Т.: TDIU, 2007 yil– 185 bet.
66. Bosworth B., Triplett./. Productivity Measurement Issues in Services Industries: Baumol's Disease Has been Cured. The Brookings Institution. 01. 09. 2003. P.26.
67. Pilat D., Wolff A. Measuring the Interaction between Manufacturing and Services. STI W.P. 2005/5. Paris, 2005. P. 3, 12.
68. The National Income and Product Accounts of the United States, 1929-82. P. 284-286 ҳамда Survey of Current Business, August 2001. P. 50. расмий нашрлар маълумотлари асосида ҳисобланди.

69. World Development Indicators, 2001. P. 220.
70. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
71. <http://www.ziyonet.uz> – Таълим ресурслари портали
72. <http://www.cer.uz> – Иқтисодий тадқиқот маркази
73. <http://www.tfi.uz> – Тошкент молия институти
74. <http://www.sies.uz> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
75. <http://www.anons.uz> – интернет ахборот портали
76. <http://www.uzssgzt.uz> – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги портали
77. <http://www.rian.ru> – Россия РИАИ ахборот агентлиги
78. <http://www.humanities.edu.ru> – Россия гуманитар фанлар таълим ресурслари портали
79. <http://www.alleng.ru> – Россия таълим ресурслари портали
80. <http://www.i-u.ru> – Россия гуманитар-интернет университети